

**БОҚИЙ ФИКРЛАР**

*Билим билан  
билгин туман-  
турли иш.  
Билимдан  
келади бутун  
кўркли иш.*

Юсуф Хос ХОЖИБ





# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 14-aprel, chorshanba № 29 (8262) ISSN 2010-6416

## ИЛМ ЧЎҚҚИСИГА ҚАДАЛГАН НИГОҲЛАР



Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослаштирилган мактаб вилоятдаги энг нуфузли илм даргоҳларидан биридир.

Мустаҳкам моддий-техник базага эга ушбу масканда ўқувчиларга математика, рус тили, физика, аниқ фанлар ҳамда хорижий тиллар чуқур ўргатилади. Кенг ва ёруғ синфхоналар, турли маданий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган мухташам зал, ахборот-ресурс маркази улар хизматида.

Суратларда: Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослаштирилган мактаб фаолиятдан лавҳалар акс этган.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.



## СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда 12 апрель куни «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўнлаб мамлакатлардан тўрт юздан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. ЎЗА мухбирлари анжуман қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.

Ольга ПАВУК, «The Baltic Course» интернет-журнали бош муҳаррири, иқтисодиёт фанлари доктори (Латвия):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Мамлакатингиздаги тинчлик ва барқарорликка астой-

дил ҳавасим келди. Тошкент ва Самарқандда одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлдим. Улар ўз турмушидан, яшаш шароитидан мамнун.

Глобал молиявий инқироз Ўзбекистондаги ислохотларнинг асосли ва ҳаётий эканини яна бир карра исбот қилди. Жумладан, мамлакатингиз раҳбарининг «Давлат — бош ислохотчи» ғояси нечоғли тўғрилигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Иқтисодий инқироз шароитида кўплаб мамлакатларда солиқлар қиймати ошиб бораётир. Ўзбекистонда эса солиқ юкни енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу бутун дунёда иқтисодий қийинчилик даври ҳукм сураётган бир пайтда мамлакатингизда фаол, эркин ва муваффақиятли иш юритиш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабаларнинг биринчи медиа конференцияси ўтказилди.

## ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Ўзинфоком» маркази

кўмагида ташкил этилган анжуманда юртимиздаги босма ва электрон ОАВ вакиллари, агентликлар, ижодий ташкилотларнинг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

ТАШКИЛ  
ИТТИФАҚИ  
ГАЗЕТАНИ  
ЧИҚАРАДИ:

«ЙИЛНИНГ  
ЭНГ ЯХШИ  
ПЕДАГОГИ»

бу номинация ғолибларнинг ғолибига насиб этади

3-бет

«ЎТИРИБ  
ЎҚИТАДИГАН»  
ЎҚИТУВЧИ

5-бет

БОЛА «МЕН»И —  
ҒУРУРИ

7-бет

ФАН  
ТАНЛОВИ  
унинг самараси нимада?

12-бет



# СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Ким ЮН СУК, «Корея — Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси (Корея Республикаси):**

— Пухта ўйланган иқтисодий сиёсат туфайли бугун Ўзбекистон глобал инқироз таъсиридан етарли даражада ҳимояланган. Айтиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилинаётган чет эл инвестициялари ҳажми ошиб бормоқда. Соҳани ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Тадбиркорларнинг фаолияти кўллаб-қувватланиб, эркин ва фаол иш юртиши учун зарур шароит ҳозирланган. Буларнинг барчаси юртингизда иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилаётган чора-тадбирлар самарадорлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистоннинг молиявий қийинчиликларни енгиб ўтиш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури бошқа давлатлар учун ҳам муҳим ва фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилишига ишонаман. Ушбу дастур халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

**Наталья БЕРЕЗАНСКАЯ, Москва давлат университети доценти:**

— Конференция мавзуининг долзарблиги билан дунёнинг барча мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Анжуманда иштирок этиб, ўзим учун кўплаб керакли ва фойдали маълумотлар олдим. Давлатингиз раҳбари Ислоҳ Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда.

Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури мукамаллиги билан ажралиб туради. Пойтахтингиздаги кўплаб лицей ва коллежлар фаолияти билан танишиб, таълим соҳасига кўрсатилаётган гамхўрлик ва юксак эътибор самараларига гувоҳ бўлдим. Яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда кучли. Бу ҳам юртингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасидир. Таҳсил олиш учун барча зарур шарт-шароитга эга интилувчан ва изланувчан ўзбекистонлик ёшларга ҳавас қилса арзийди.

**Рокко АБРАМ, «Италия — Ўзбекистон» уюшмаси раиси (Италия):**

— Мен тадбиркорман. Бизнес соҳасида таълим ҳам берман. Анжуманда Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дасту-

ри самаралари билан танишдик. Уларнинг аниқ далили ва рақамлар билан баён этилгани анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган аксилинқироз дастури пишиқ-пухталлиги ва ҳаётийлиги билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортди. Ушбу дастур бошқа мамлакатлардаги иқтисодий ислохотларда ҳам қўл келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ва бошқа асарларини ўқиб, ўзим учун зарур ва фойдали маълумотларга эга бўлдим. Бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича давлатингиз раҳбари илгари сурган тамойилларнинг барчаси ҳаётда ўз инъикосини топиб, катта самаралар бераётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

**Магди ЗАЪБАЛ, Миср Миллий тадқиқотлар маркази профессори:**

— «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда кўриб чиқилган масалалар дунёнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам жуда муҳимдир. Чунки халқаро молиявий-иқтисодий бўҳрон «бозор ҳамма нарсани ҳал қилади», деган ақидага берилган мамлакатларнинг сиёсати нотўғри эканлигини очиб ташлади.

Дунёдаги нуфузли банклар ва корпорациялар хонавайрон бўлаётган бир шароитда Ўзбекистондаги молиявий муассасалар барқарор ривожланмоқда. Бунда мамлакатингиз банк тизими пухта ва тўғри ишлаб чиқилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Буни мен анжумандаги маърузамда ҳам алоҳида қайд этдим.

Ўзбекистон иқтисодиёти жадал юксалиб, улкан муваффақиятларга эришмоқда. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани қўлга киритилаётган бундай ютуқларнинг ёрқин намуналаридандир.

Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани бизни фойда қувонтиради.

**Аҳмад Рашид МАЛИК, Исломобод Сиёсий тадқиқотлар институти эксперти, иқтисодчи (Покистон):**

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi оқибатида банк тизимида юзага келган муаммолар деярли барча мамлакатлар мо-

лиявий ҳолатини танг аҳволга солиб қўйди.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган Ўзбекистонда банк-молия тизимида узоқни кўзлаб амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида юртингиз молиявий инқироздан жиддий зарар кўрмади. Ўзбекистон бу борадаги иқтисодий ислохотлар кўламини янада кенгайтиришига ишонаман. Боиси, банклар ҳар бир мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватловчи ўзига хос қон томирдир. Давлатнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан ушбу молиявий ташкилотларнинг фаолиятига боғлиқ.

**Сугил ЯНГ, Миллий стратегия институти президенти (Корея Республикаси):**

— Ўзбекистон ташқи дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан огишмай бораётир. Ўзбекистоннинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган.

Ўзбекистон қисқа давр ичида дунё мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Мамлакатингиз барча соҳаларда изчил янгиланишларни олиб бормоқда. Юртингизда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли, изчил ислохотлар ўзининг самараларини бераётганига барча гувоҳ.

Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Бундай тинчликпарвар ва тараққийпарвар сиёсат келажакда янада кўплаб самаралар беришига ишонаман.

**Санжай Кумар ПАНДЕЙ, Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет профессори (Хиндистон):**

— Анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан келган экспертлар ва олимлар билан иқтисодий инқирозни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашиш имконига эга бўлдим.

Ўзбекистонда қабул қилинган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган босқичма-босқич ислохотлар глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон шароитида яна бир бор ўзини оқлади. Ўзбекистон иқтисодий сиёсат юритиши бора-сида барчага ўрнатилмоқда.

Мамлакатингизда бошқа жабҳалар қатори устувор ҳисобланган таълим, фармацевтика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия каби кўплаб соҳаларнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборлидир.

**ЎЗА мухбирлари  
Ноира МАНЗУРОВА,  
Ирода УМАРОВА,  
Мадина УМАРОВА  
ёзиб олди.**

## Konferensiya

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Мухамедов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С.Остонов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётини ислоҳ этиш ва янгилаш жараёнида босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бугун мамлакатимизда воқеликни холис, ошқора ва фаол ёритиш учун ОАВга барча шароит ва имконият яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумотларни тезкорлик билан кенг оммага етказиётган интернет журналистикаси бугунги ахборот маконида алоҳида ўринга эга. Юртимизда ўтказилаётган турли ижодий танлов ва лойиҳаларда интернет журналистикаси ижодкорлари фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда электрон нашрлар фаол иштирок этаётир. Айтиш пайтда мазкур йўналишда юқори салоҳиятли, интернет имкониятларидан тўғри ва оқилона фойдаланиб, аҳолини ишончли ахборот билан тезкор таъминлаш кўникмаларига эга мутахассисларни тайёрлаш давр талабидир.

Журналист кадрларни тайёрлашда мамлакатимизда етакчи ўрин тутувчи Ўзбекистон Миллий университетида бу ишларни янада такомиллаштириш, интернет нашрларнинг жадал ривожланаётганини инобатга олган ҳолда, бўлғуси мутахассисларни соҳага оид янги адабиётлар билан таъминлаш, илғор технологик жараёнлардан хабардор этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Университетнинг етакчи нашрлар билан самарали ҳамкорлик қилаётгани, назарий машғулотлар амалиёт билан уйғун олиб борилаётгани, турли ижодий танловлар, семинарлар, анжуманлар, маҳорат сабоқларининг ташкил этилаётгани бунинг далилидир.

Конференцияда UzNet — Ўзбекистон интернет худуди шарҳи, босма оммавий ахборот воситалари ва уларнинг электрон муқобиллари, аънавий оммавий ахборот воситалари ва интернет каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича фикр алмашилди.

Тадбирда иштирок этган талабалар етакчи портал яратувчилар вакиллари-нинг маҳорат дарсларида қатнашдилар.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири**



# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГИ»

**бу номинация ғолибларнинг ғолибига насиб этади**

Турли йўналишларда ўтказилаётган кўрик-танловлар ўша соҳани мукамал эгаллаган, ижодкорликни ўз ҳаётий мазмунига айлантирган, ташаббускорлик кўрсатиб, ҳамкасблари ва жамоаси ўртасида хурмат-этибор қозонган мутахассисларни саралашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айтиш пайтда бундай тадбирларнинг энг қуви босқичдан бошлаб якуний—республика миқёсида ўтказилиши иштирокчиларни янгиликка ундаши билан бирга соҳада ижобий маънодаги рақобат муҳитини ҳам вужудга келтиради. Бир неча йиллардан бери мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида педагогика соҳасининг ҳақиқий фидойилари аниқланиб, уларнинг иш тажрибалари, ўзига хос методик маҳоратларини кенг ёйиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, қолаверса ана шу йирик тадбир нуфузини янада ошириш мақсадида «Йилнинг энг яхши педагоги» кўрик-танловини ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдурахим Носиров ушбу кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, иштирокчиларга қўйилган талаблар, белгиланган тартиб-қоидалар юзасидан муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳар қандай янгиликни қўллашдан аввал унинг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатига эътибор қаратилиши зарур. «Баркамол авлод йили» давлат дастурида таълим жараёнини такомиллаштириш, ёш авлодга янги педагогик технологиялар асосида билим беришга алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, бугунги кунда барча таълим муассасаларида асосий эътибор шунга қаратилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг жорий йил 9 апрелда чиқарилган 76-сонли буйруғида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида қабул қилинган (2010 йил, 24

март) «Йилнинг энг яхши педагоги», «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» танловларини ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарорлари ҳамда вазирликнинг 2009 йил 14 декабрдаги «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови Низомига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги 347-сонли буйруғи ижросини таъминлаш белгиланган.

Халқ таълими тизимида илғор, ташаббускор, ташкилотчи, билимдон ва зукко, замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўқитувчилар кўп. Ана шундай педагоглар ҳар йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг якуний

босқичида бир неча шарт бўйича беллашадилар. 14та худуднинг ҳар бир фан бўйича энг илғор, новатор вакили ҳисобланган ўқитувчиси энг юқори натижага эришган тақдирдагина биринчи ўринга муносиб деб топилмоқда. Бу аввало, ўша педагог фаолиятида энг катта ютуқ ҳисобланса, қолаверса, вилоят доирасида ҳам эътироф этишга арзигулик воқеага айланаётир.

Ҳар бир фан бўйича биринчи ўринни эгаллаган ўқитувчилар орасида педагогика

аниқланади.

Энг юқори натижани қўлга киритган ўқитувчига «Йилнинг энг яхши педагоги» номинациясини беришда 7-9 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати иш олиб боради. Хўш, бу номинация соҳибини аниқлашда қандай босқичлар амалга оширилади?

Шубҳасиз, ўз фанининг ҳақиқий билимдони деб топилган маҳоратли педагоглар ичидан энг сарасини аниқлаш ўта мураккаб жараён ва нозик иш ҳисобланади. Бунинг учун тўртта турдаги синов шартли ишлаб чиқилган. Биринчи турда ўқитувчининг бир соат дарс ўтиш учун тайёргарлик кўриши, дарс этапларини билиши, турли услублар қўллаш олиши каби шартлар орқали синов кўрилади. Бунга 60 дақиқа вақт ажратилади. Сўнгра унинг ҳакамлар олдида ўз ишини оғзаки ҳимоя қилиш маҳорати кўриқдан ўтказилади. Етти банддан иборат бу топшириқда иштирокчининг маҳорати максимал даражада 40 балл билан баҳоланади. Иккинчи турда иштирокчи 45 дақиқа мобайнида ўзи дарс бераётган синфнинг биттасига психологик тавсифнома ёзади ва баҳо беради. Ўқувчилар орасидаги шахслараро муносабатлар, уларнинг психологик хусусиятлари, интеллектуал имкониятлари, хатти-ҳаракатлари, синф муаммолари акс этиши керак бўлган бу турда ғолибликка даъвогар 20 баллик натижага эришиши лозим.

## Yangilik



фани асосларини юксак даражада эгаллаган, мураккаб вазиятларда ўз маҳоратини оқилона ишга сола биладиган, қисқача айтганда, «Йилнинг энг яхши педагоги» деб айтишга арзигулик муаллимни аниқлашда ушбу кўрик-танлов муҳим роль ўйнайди. Уни ўтказиш тартиби, асосий мақсад ва вазифалари, босқичлари, баҳолаш мезонлари ҳам вазирликнинг ушбу буйруғига илова қилинган.

Кўрик-танлов ўқитувчининг ижодий фаолиятини, касбий қобилиятини, психологик ва этик, педагогик эрудициясини намоян этишга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. У «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг якуний босқичи ҳисобланиб, мутлақ ғолибликка даъвогарни аниқлаш мақсадида ўтказилади ва ягона ғолиб


Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, биринчи ва иккинчи турда 50 балдан паст балл тўплаганлар кейинги турда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Галдаги синовда ҳар бир иштирокчи беш дақиқа ичида ўз педагогик тажрибасининг шаклланиш йўллари саҳнада намойиш этиши лозим. Бунда унинг инновацион усуллардан фойдаланиши, умумий педагогик эрудицияси, саҳнада ўзини тута билиши, аудиторияни жалб қила олиш маҳорати синов кўрилади. Сўнгра босқич «Айлана стол атрофида суҳбат» деб номланади. Ушбу шартда ғолибликка даъвогар ўқитувчиларга таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳот ва белгиланган вазифалар ҳақида саволлар берилади. Унинг таълим тараққиётидаги замонавий тенденцияларни билиши ва тушуниши, оригинал фикрлай олиши, таклиф-мулоҳазаларининг конструктивлиги, далилларга асосланганлиги, ўз қарашларини назарий жиҳатдан намоян қила олиши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилади.

«Йилнинг энг яхши педагоги» кўрик-танлови «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» шiori остида ўтказилиб келинаётган йирик тадбирнинг узвий ва мантиқий давоми бўлиш билан бирга ўз фани бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаган муаллимларни излашга, ижодкорликка, курашувчанликка ундаши табиий. Зеро, ижобий ва ижодий руҳдаги кураш замонамизнинг янги қаҳрамонларини кашф этади.

**Хулқар ТҮЙМАНОВА**  
ёзиб олди.

## ЁШЛАР НИГОҲИДА КЕЛАЖАК АКСИ

Сиз баркамол авлодни қандай тасаввур қиласиз? «У билимли, маърифатли, жисмонан ва маънан соғлом, кенг дунёқараш ва мустақил фикр эгаси бўлиши лозим...» каби кўплаб сифатларни келтиришингиз табиий. Чунки, юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама униб-ўсиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган бахтли инсонлар бўлиб вояга етиши борасида шу қадар кенг қўламадаги ишлар олиб борилмоқдаки, бундан барчамиз бохабар бўлиб бораёмиз. Жумладан, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлаш, ҳуқуқларини мустаҳкам кафолатлашга қаратилган ислоҳотлар, бу бордаги қонун ва қарорлар, давлат дастурлари ижроси бўйича истаганча мисол келтириш мумкин.



Айтиш пайтда ёшларга оид давлат сиёсатида уларнинг ўзларининг фаоллигини ошириш, ёшларда мамлакат ривожига нисбатан дахлдорлик туйғусини кучайтириш, келажагини ўз қўллари билан онгли тарзда яратиш кўникмасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу ташаббус, албатта, эътиборга лойиқ.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда ёшларга оид қонунчилик ёшлар нигоҳида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, «Камолот» ЁИХ фаоллари, демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар» китоби тақдими, шунингдек, «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профи-



лактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳияти, мазкур қонунларнинг аҳамияти ва зарурати ёшлар иштирокида муҳокама этилди.

Шу ўринда, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари оид қонунчилик тизимига истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ алоҳида аҳамият қаратилгани ва бу ишлар йилдан-йилга такомиллаштириб борилаётганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон биринчи аъзо бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»си эканлиги ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Давра суҳбатиде шу каби мавзуларда фикрлар билдирилар

экан, вояга етмаганлар профилактикаси оид янги қонун лойиҳаси юзасидан ёшларга тушунтиришлар берилиб, ўз навбатида уларнинг ҳам таклиф ва мулоҳазалари тингланди.

Мунозара ва савол-жавоблар тарзида ўтган давра суҳбати асосида ёшларимизнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш борасида амалий таклифлар ўртага ташланди. Ҳар икки томон — ёшлар ва қонун ижодкорлари учун фойдали бўлган тадбир якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси бўйлаб экскурсия ташкил этилди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**  
олган суратлар.



**✓ ОНА ЕР ЎЗ САХОВАТИ БИЛАН БИЗНИ БОҚАДИ, КИЙИТИРАДИ. ШУ БОИС, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ АТРОФ-МУХИТГА МЕХР-МУХАББАТ РУҲИДА УЛҒАЙТИРИШИМИЗ ЗАРУР. ҲАР БИР ҚАРИЧ ЕРДА МАШАҚҚАТ БИЛАН ЕТИШТИРИЛАЁТГАН МЕВАЮ САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎРИБ, ЎЗЛАРИ ҲАМ МЕХНАТ ҚИЛИБ ЎРГАНГАН ЁШЛАР ЮРТГА ТИРГАК, МЕХНАТГА ЛАЁҚАТЛИ БЎЛИБ ЎСАДИЛАР.**

— Ҳисоб-китоб қилганимизда, туманимиздаги 99та таълим муассасасининг 19 гектар экин майдони борлиги аниқланди. Ҳозирча бу ерларда 1318 туп олма, 1100 туп гилос, 353 туп ёнғоқ ва бошқа меваги дарахтлар ўстирилмоқда. Бу йил баҳордан эса ушбу дарахтлар қаторига янги кўчатлар, янги гулзорлар қўшилади. 13 гектар ерга сабзавот маҳсулотлари экишни режалаш-

тиряпмиз, — дейди Андижон тумани халқ таълими бўлими муdiri Нигора Қашқабоева. 18-умумтаълим мактабида иссиқхона ташкил этилиб, унда 60 сотих майдонга етадиган кўчат ундирилмоқда. Эҳтиёждан ортгани эса бозорга ҳам олиб чиқилади. Мактабда 3 минг туп терак мавжуд. 62 туп олма дарахти қад ростлаган. Турли хил меваги дарахтлардан ҳар йили ҳосил олиб келин-

моқда. Олинган даромад ҳисобига 10 бош қўй боқилаётир. Шунингдек, 36, 21, 27-умумтаълим мактабларида ҳам томорқадан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили етиштирилган ҳосил ва даромад ҳисобига бошланғич синф ўқувчилари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул иссиқ оғдат уюштирилди. Бу йилги режа-

лар ҳам улкан. Ҳатто мактабгача таълим муассасаларида ҳам плёнка остида кўчатлар ундирилаяпти. 14, 27, 30-муассасалардаги иссиқхоналарда помидор, карам, бақлажон кўчатлари парвариш қилинаётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Ердан унумли фойдаланишга ҳар бир таълим муассасасида эътибор берилмоқда. **О.СИДДИҚОВ.** Андижон вилояти



**✓ ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИДАГИ БОЛАЛАР ИЖОДИЁТ УЙИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН «РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМИГА ИСТИҚБОЛЛИ ЗАХИРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА НОМЗОДЛАР УЧУН ЎҚУВ СЕМИНАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Ўқув семинарда асосий эътибор мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш, унга муносиб номзодларни танлаш ва уларнинг малакаларини ошириш масалаларига қаратилди. Тадбир иштирокчилари бир неча йўналишларда, хусусан, «Баркамол авлод йили» давлат дастури бўйича


муассасаларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, таълим даргоҳида фаолият юритиш, малакали ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби каби машғулотлар жараёнида фаол қатнашдилар.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ** олган сурат.

**✓ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМЛИГИ, «КАМОЛОТ» ЁИҲ ХАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИСТЕЪДОД» ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР УЧУН «ЁШЛАРДА РАҲБАРЛИК МАҲОРАТИ» МАХСУС КУРСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Бундан кўзланган мақсад талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолиятини жонлантириш, уларда жамоатчилик, ташаббускорлик хислатларини шакллантириш бўлиб, жорий йил махсус курсда 70 нафарга яқин ёшларга билим берилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ана шу талаба-ёшларга сертификатлар топшириш маросими ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида таълим олувчи фаол талаба-ёшларнинг вазирлик ходимлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан очик мулоқоти бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳарча ҳокими Рўзимурод Чориев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Улуғбек Тошкенбоев сўзга чиқиб мамлакатимизда ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол, мустақил фикрли, кенг дунёқараш эгаси этиб вояга етказиш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

**Анвар ҚОБИЛОВ**



**✓ САНЪАТ ЎЗ ФИДОЙЛАРИНИ ҚАДРЛАЙДИ. ЭЛ АРО АЗИЗ ҚИЛИБ, ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРГА САЗОВОР ЭТАДИ. ДОНИ ЗОКИРОВ НОМИДАГИ ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИ ОРКЕСТРИ БАДИЙ РАҲБАРИ ВА БОШ ДИРИЖЁРИ, КОМПОЗИТОР ВА МУРАББИЙ ҲИҚМАТ РАҲАБОВ ҲАМ САНЪАТ ЙЎЛИНИ ТАБАРРУК ВА УЛУҒ БИЛИБ, КАТТА ХАЁТ ЙЎЛИНИ БОСИБ ЎТГАН ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИДАН.**

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида унинг таваллудига 60 ва ижодий фаолиятига 35 йил тўлиши муносабати билан ижодий кеча ташкил этилди.

Кечада Ҳикмат Ражабовнинг мухлислари, ҳамкасб дўстлари, шогирдлари, ёру биродарлари, яқинлари жам бўлишди. Фидойи санъаткорни қутлаш билан бошланган тадбир куй-қўшиқларга уланиб кетди. Йиғилганлар устоз куйлари билан ижро этилувчи қўшиқларни олқишлар билан қарши олишди. Оркестр ижросидаги куйларни мириқиб тинглашди. Ҳикмат Ражабов мусикаси билан ижро этилувчи «Оппоқ капалак» қўшиғини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муассар Раззоқова маҳорат билан куйлаганида, Дони Зокиров мусика басталаган «Кўчалар» куйини оркестр жўрлигида Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов гижжак оҳангларида жо этганида кўнгиллар завққа тўлди. Ўлмас Оллоберганов, Дилбар Ражабова сингари ёш истеъдодларнинг чиқишлари устозлари учун катта совға бўлди.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА**

**✓ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ҲАМДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ БОСКИЧЛАРИ ҚИЗГИН ЎТКАЗИЛДИ. ПАРКЕНТ ТРАНСПОРТ ВА СЕРВИС КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДАН СЎНГ ҲАЛИ УЗОҚ ВАКТ ЎТМАГАН БЎЛСА-ДА, БУ ДАРГОҲ ЎҚУВЧИЛАРИ УНДА КЎНГИЛДАГИДЕК ИШТИРОК ЭТДИЛАР.**

— Фан олимпиадаларида ўқувчи-ёшларимизнинг билим даражалари, фикрлаш доираларини синовдан ўтказиш имконияти туғилди, — деди биз билан суҳбатда коллежнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси Фурқат Эшов.

Ҳуқуқ фани бўйича Дилхумор Назирова, иқтисод фанидан Жалолиддин Камолов, информатика фанидан Дилфуза Ҳикматова, та-

рих фани бўйича Интизор Тожибоева, она тили ва адабиёт фанидан Фариди Муллажонов ва ўқув юрти ишончини оқлади.

Бу каби муваффақиятга эришишда Саноат Дўстова, Сардор Исмондиёров, Қахрамон Ражаббоев, Абдурашид Мелибоев каби устоз-мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлди.

**МУХБИРИМИЗ**

**✓ ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 260-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБНИНГ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИ БИЛАН ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ РАҲБАРИЯТИ, ЕТАКЧИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБАЛАРИ, ИНСТИТУТ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ПЕДАГОГИКА ЖАМОАСИ ИШТИРОКИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирга ташриф буюрганлар мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар, амалга оширилаётган кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари, жумладан, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида гапириб ўтишди. Шунингдек, «Архитектура муҳитлари дизайни» кафедраси муdiri М.Бородин институтда таълим олаётган талабаларнинг курс ва диплом лойиҳалари, уларнинг республика, халқаро танловларда голиб деб топилган ижодий ишлари, видео клиплари билан таништирди.

Йиғинда «Архитектура муҳитлари дизайни» йўналиши «Келажак овози» ҳамда «Меъмор — 2009» республика кўрик-танловлари голибларидан бир гуруҳи эришган ютуқлари ҳақида гапирилиб, ёшларга яратилаётган шарт-шароитларга мувофиқ ижод қилиш, яратиш зарурлигини алоҳида таъкидланди.

Жонли қизиқиш уйғотган йиғилиш ўқувчиларга касб танлаш борасида яна бир имкониятлар эшигини очди.

**Р.ЮСУПОВ**

**✓ ҲАР БИР МАШҒУЛОТНИ ҚИЗИҚАРЛИ ҲАМ, ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЎҚУВЧИГА МАЗМУНЛИ ЕТКАЗИШ БАРЧА ПЕДАГОГЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР.**



Ўқувчининг келажакда фан оламига қизиқиши шу фандан сабоқ берувчи устозга боғлиқлигини эсдан чиқармаслик керак. Методларни пассив, фаол ва интерфаолга ажратсак, дарс жараёнида интерфаолдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Интерфаол метод ёрдамида ўқувчининг илм олишга интилиши ривожланади, боланинг билиш кўникмаси шаклланади.

Шунингдек, бола тенгдошлари ва ўқитувчи билан ҳамкорликда муаммоларни ҳал этиш, тўғри ҳулоса чиқариш кўникмасига эга бўлади. Мен ҳам ўз иш фаолиятим давомида бошланғич синф ўқувчиларига турли фанларда ҳар хил методлар қўллаб, ўқувчилар билимини бойитиб бораман. Жумладан, она тили дарсларида «Расмларни ўқиш», «Ақлий

ҳужум», ўқиш дарсларида «Тўрт бурчак», «Ролли ўйин», математика машғулотида «Барча барчага ўргатади», «Гуруҳларга бўлиш» каби ўйин-методларни қўллаш орқали ўқувчилар қизиқишини ошириб бораман. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ишлашнинг ўзига хос афзалликлари бор. Бунда ўқитувчидан бошқарувчилик маҳоратига эга бўлиш талаб этилади.

Ўқув жараёнини «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» дастури асосида ташкил этиш, ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда қисқа савол-жавоб усулидан фойдаланиш ҳам ўз ижобий самарасини беради.

**НОДИРА ПАХРИТДИНОВА,** Тошкент шаҳридаги 67-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**✓ СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 237-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ПЕДАГОГЛАРИ «ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР» ШИОРИ ОСТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАДИ. БУ ЙЎЛДА, ШУБҲАСИЗ, ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИНИНГ ДОИМИЙ РАВИШДА ИШЛАШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ.**

Мазкур ишларни самарали ташкил этиш ўқув маскани жамоасининг асосий мақсадларидан биридир.

Қуни кеча мазкур даргоҳда Сергели тумани мактабларида фаолият юритаётган жисмоний тарбия ўқитувчилари учун семинар ташкил этилди. Унда мактаб ўқитувчиси А.Аҳмадалиев спорт тўғарақларининг фаолияти, уларда олиб борилаётган ишларни кўрсатиб берди. Тўғарақларга қатнашаётган ўқувчилар баскетбол ва волейбол спорт ўйинларидан элементлар кўрсатиб, ўз маҳоратларини намоиш этишди.

Ўз навбатида, бу ҳолат мазкур спорт ўйинлари бўйича мактабда тайёргарлик жуда яхши йўлга қўйилганлигини ҳам кўрсатди.

Ўқувчиларнинг чиқишларидан сўнг «Баскетбол элементлари» мавзусида бир соатлик дарс жараёни кузатилди. Бунда ўқитувчи уларнинг жисмоний тайёргарлиги, ўзлаштириши қай даражада эканини кўрсатиб, дарснинг қизиқарли келишига эришди. Ундан сўнг ўтказилган йиғилиш муҳокамасида ютуқ ва камчиликлар борасида фикр алмашилди.

**Райҳона ОЧИЛОВА**



“Шуям гап бўлдим, ўқитувчи бўлгандан кейин ўтириб ўқитди нима, юриб ўқитди нима, ўқитса бўлдида”, — дея хаёлингиздан ўтказгандирсиз, эҳтимол. Тўғри, гап ўқитувчининг ўтириб ёки юриб дарс ўтишида эмас, пировард натижага эришишида. Бунинг учун эса ўқувчиларда қизиқиш уйғота билиш зарур.

Яқинда тажриба тариқасида бир синфда таҳсил олаётган 25 нафар ўқувчи ўртасида сўровнома ўтказдим. Саволлар асосан дарс жараёни ва уни ташкил этиш масалаларига бағишланган эди. Жумладан, саволлардан бири куйидаги тарзда кўйилган эди: ўқитувчи юриб дарс ўтса яхшими, ўтириб?

Мазкур саволга сўровномада қатнашган ўқувчиларнинг 21 нафари: «Юриб дарс ўтса яхши», — деган фикрни билдиришган.

Мазкур жавобни тўлдириш учун кўйилган: «Нега?» саволига берилган жавобларнинг айримларини келтираман:

— ўтириб ўқитган ўқитувчи ҳамма ўқувчиларни бир-

тирокчи, яхши бошловчи бўлсагина кўзлаган натижасига эришади.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб дарс ўтганимда синфда ишчанлик вазияти ҳар қачонгидан ортининг, шогирдларим ўзлаштиришида ўсишнинг гувоҳи бўлганман. Бир хиллик нафақат ўқувчини, балки



**Fikr, mulohaza, taklif**

# "ЎТИРИБ ЎҚИТАДИГАН" ЎҚИТУВЧИ

қил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда тажрибамизда унга ҳамиша ҳам риоя этавермаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган бўлиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир».

Ўтган ўқув йили мактабимиздаги фан хоналаридан бир нечасида парталарни давра столи кўринишида ўрнатдик. Тўғри, бундай ўтириш ўқувчиларнинг доскадан фойдаланишида бироз муаммо туғдирди. Аммо ўқувчиларнинг ўзлаштиришида, сабоқ олишга қизиқишида ижобий силжишлар содир бўлди. Муҳими, ўқувчиларнинг ўзлаштиришида тенглик кўзга ташланди (негаки, биронта ўқувчи ўқитувчининг эътиборидан четда қолмади). Қолаверса, ҳар бир ҳаракати ўқувчилари назаридан қочмаслигини англаган ўқитувчи дарс бериш услубини тез-тез ўзгартириб туришга, ўз устида ишлашга мажбур бўлди.

Ўтириб ўқитадиган ўқитувчи машхур рус ёзувчиси А.Чехов ҳикоясидаги гилоф бандасига ўхшайди. У аллақачон бир қолипга кириб улғурган, энди унда қолипни ёриб чиқишга куч ҳам, ҳафсала ҳам йўқ. У «Оч қорним, тинч қулоғим» қабилидаги фаолиятга кўникиб қолган, ўз устида ишламайди, таълимнинг янги технологияларини қўлламайди, алмисокдан қолган маърузалардан четга чиқмайди. Бир қисми эса ўтирган ҳолда дарслик, бир соатлик дарс режаси, маърузасидан (агар бор бўлса) фойдаланиш орқали камчилигини яширишга уринади. Ахир, болалар фикри-зикрини ўзига ром этаётган турли воситалар авж олиб турган пайтда уларнинг дарсга бўлган қизиқишларини доимо ушлаб туриш ўқитувчидан катта изланиш талаб этади.

**Абдунаби АБДИЕВ,**  
Миришкор туманидаги  
22-мактаб директори

дек назорат этолмайди;

— ўрта ва орқа партадаги ўқувчилар унинг эътиборидан четда қолади;

— дарсда ҳамма ўқувчи бирдек фаол иштирок этиши учун шароитлар яратилмайди;

— ўтириб ўқитадиган ўқитувчи техника воситаларидан фойдаланмайди;

— кўргазмали қуроллар ишлатмайди;

— дарси зерикарли бўлади.

Берилган жавоблар ва ундан кейин ўтказилган давра суҳбати жараёнида билдирилган мулоҳазаларнинг ҳаммасида жон бор. Лекин ўқувчилар андишага борибми ёки бошқа сабаб туфайлими, энг асосий гапни айтмаётгандек туюлди, назаримда.

Мазкур саволни ҳамкасбларим ўртасида ташлаб кўрдим. Энди улар билдирган мулоҳазалардан айримларига эътиборингизни тортарман:

**Ашурбой САФАРОВ, биринчи тоифали ўқитувчи:**

— Мен фанларни ўтириб ўқитиладиган, юриб дарс ўтиладиган деган турларга бўлмоқчи эмасман, аммо математика фанидан дарс берганда стулга ёпишиб олган ўқитувчи кўп нарсани йўқотади. Бу фан ўқитувчиси бир вақтнинг ўзида синф тахтасида масала ечаётган ўқувчини ҳам, айланма дафтарда ишлаётган ўқувчини ҳам назардан қочирмаслиги, зарур пайтда ёрдам бериши лозим.

**Мухтор ПАРДАЕВ, биринчи тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:**

— Ҳар бир дарсга янгилик билан кирмасангиз ўқувчиси «яхши устоз» сифатида қабул қилмайди. Ўқитувчи дарсда яққа ҳоким эмас, ўқувчилар қатори фаол иш-

ўқитувчини ҳам зериктиради. Ундан қочган ўқитувчи ҳеч қачон ўтириб дарс бермайди.

**Оқмамат БЎТАЕВ, биринчи тоифали ўқитувчи:**

— Дарс — мураккаб жараён, унинг қанчалик мазмун касб этиши эса шаклга боғлиқ. Биз йиллар давомида бир қолипдаги, эгизак дарслар ўтишга кўникма ҳосил қилганмиз. Мустақиллик йилларида таълим жараёнига эътибор кучайди. Бундан ўн йил муқаддам айрим шахар мактаблари учун ҳам орзу бўлган компьютер синфлари, ўқитишнинг техникавий воситалари бугун қишлоқ мактабларида ҳам бисёр. Деярли барча фанлар бўйича слайдлар тўплами, стандарт кўргазмали воситалар, айниқса, ўқитувчилар учун чиқарилаётган услубий қўлланмалар ишга янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бу қўлланмаларда бир соатлик дарс режаси, кўргазмаси, фойдаланиладиган адабиётлар аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. Фақат ўқитувчидан озгина ўз устида ишлаш талаб этилади.

Менимча, ўтириб дарс ўтиш лоқайдлик белгиси. Қолаверса, бугунги кун ўқувчисининг ўзи ҳам дарс жараёнида оддий иштирокчи бўлиб қолишни истамайди, мактабда мавжуд имкониятларнинг ўндан биридан фойдаланганимизда ҳам дарс жараёнида ўтиришга вақт қолмайди.

**Унда нега ўқитувчилар орасида ўтириб дарс ўтадиганлар тез-тез учраб туради?**

## БИРИНЧИ ҲИКОЯ

— Бу воқеага олий ўқув юртида таҳсил олган йилларим гувоҳ бўлганман, — дея гап бошлади суҳбатдошларимдан бири. — Тарих факультетида ўқирдим. Олий ўқув даргоҳи ўқитувчиси жонини койитмаслик учун ўтириб дарс ўтишнинг ҳожати йўқ, аудиторияга у таяниб маъруза ўқишига мўлжалланган минбар ўрнатилган. Ик-

кинчи курсда «Ўрта асрлар тарихи» фанидан ёши олтимишларни қоралаган, сочлари қировдек оппоқ домла дарс берадиган бўлди. Унинг номзодликни ҳимоя қилганига ҳали унча кўп вақт ўтмаган, янги муаллим эди. Янги ўқитувчига ҳаммамизнинг эътиборимиз қаратилган. У эса журнал орқали барчамиз билан танишиб олгач, чарм сумкасида атрофи сарғайиб кетган маъруза матнини чиқарди. Минбарга ястаниб олганича:

— Хўш, ҳурматли талабалар, мавзуни имконият даражасида конспектлаштиришга ҳаракат қилинглар, такрор ўқиб ўтирмайман, — деди.

Рости илк дарсданок аудиторияда кўпчилик эснаб ўтирди, кейин шу домла дарс берадиган соатларда охириги парталар талаш бўладиган бўлди.

Бир гал шўхроқ гуруҳдошимиз ўша ўқитувчи нимадир иш билан дарс вақтида аудиториядан чиққанида маъруза варақларини алмаштириб кўйди. Қайтиб келган домла эса бамайлихотир очик турган варақни ўқишга тушди. Аудиторияда пиқир-пиқир кулгу янграй бошлади.

— Нима бўляпти, ким масҳарабозлик қиляпти, менимча, куладиган нарсани йўқ, — барчамизни синчков нигоҳдан ўтказди домла. У шунчалар эътиборсиз дарс ўтар эканки, ўзгаришни дарс охиригача сезгани йўқ.

## ИККИНЧИ ҲИКОЯ

— Бешинчи синфга ўтганимизда арифметикадан (у пайтлар шундай фан бўларди) бир қўлини урушда ярадор қилиб қайтган, бевақт бошланган уруш туфайли атиги ўрта мактабнинг еттинчи синф маълумотини

олиб қолган (айтишларича, эллигинчи йилларда ўқитувчилар тайёрлаш икки ойлик курсида таҳсил олган экан) кекса киши дарс ўта бошлади. Кўп тамаки чекканидан овози хириллаб чиқадиган бўлса-да, домланинг дарсида бирон дақиқа эътиборимизни чалғитолмасдик. Биринчидан, у мавзуни жонли мисоллар билан қизиқарли ўтса, иккинчидан, янги ечилаётган мисол ёки масаланинг айна қийин жойига келганда:

— Қани, фалончибой, сиз ёрдам бериб юборинг, — деб кутилмаганда кимдидир доскага чиқарарди.

Домланинг ўзи қирқ беш дақиқа тиним билмагандек, ўқувчиларни ҳам сергак туришга мажбур этарди».

Икки воқеа, икки хил манзара. Хўш, шу ҳикояларнинг қай биридаги ўқитувчи шогирдларига кўпроқ билим, кўникма, малака бера олади деб ўйлайсиз? Уларнинг биринчисидagi ўқитувчи ўз хатти-ҳаракатлари билан талабаларига мутелик фалсафасини сингдирса, иккинчиси шогирдларини доимий ўқишга, изланишга, дарс жараёнига ижодий ёндашишга етаклайди. Шу ўринда Юртбошимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниши олтидан мустақил тузим ўқитиш усулига доир айтган куйидаги сўзларини эсладим:

«Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «**Менинг айтганим-айтган, деганим-деган**».

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий ито-аткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши қийин кечяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда муста-



**Agar inson yoshligida chin dildan niyat qilsayu, uni amalga oshirish uchun bor kuch-g'ayratini ishga solib harakat qilsa, o'sha orzusi bir kun kelib, albatta, ro'yobga chiqar ekan...**

**Ma'rifat**

2010-yil 14-aprel

# DARS SAMARADORLIGI

## qisqa o'yin mashqlariga ham bo'g'liq

Yurtimiz ta'lim muassasalarida xorijiy tillarni o'rganishga katta e'tibor qaratilib, bu soha kundan kunga rivojlanib, takomillashib bormoqda. Soha mutaxassislari, ijodkor, izlanuvchan o'qituvchilari, zamonaviy texnologiyalar, to'plangan boy va uzoq yillik tajribalarga tayangan holda ko'plab yangiliklarni hayotga joriy etmoqdalar. Shu o'rinda ta'kidlash lozimki, chet tilini tez va mukammal o'rganishga doir turli xil interfaol mashqlardan, o'yinlardan dars jarayonida foydalanish o'qituvchilarning og'zaki nutqini o'stirishda, aniq, ravon talaffuzni shakllantirishda katta ahamiyatga ega. Chunki mashqlar va didaktik o'yinlar darsning xilma-xilligi, o'qituvchilarning faolligini ta'minlaydi. Shuningdek, o'yin yoki mashqlar yordamida o'qituvchilarni ko'proq gapirishga, muloqotga jalb qilish mumkin. O'yin va turli mashqlar sifatida o'qituvchilarni, guruh a'zolarining barchasi ishtirokida tashkil qilinganda ular orasida do'stona munosabat shakllanadi. Bu jarayon o'ziga xos talablarga javob berishi lozim. Ya'ni, o'yin va mashqlar o'qituvchidan fikrni jamlab, aqliy faoliyatni ishga soladigan, kam vaqt talab qiladigan bo'lishi lozim.

Bunda o'qituvchilarning yosh xususiyatlari ham hisobga olinishi zarur. Masalan, kichik yoshdagi o'qituvchilar uchun nutq o'stirishga doir harakatlari

o'yinlardan, katta yoshdagi o'qituvchilar uchun o'ylashga, fikrlashga doir krossvordlardan foydalanish mumkin. Bunday o'yin va mashqlarning samarali bo'lishi, yuqori natijalarga erishish uchun alohida shartlarga rioya qilish lozim. Birinchi navbatda, o'qituvchining o'zi mashq oldidan alohida tayyorgarlik ko'rish, qo'llaniluvchi jihozlar, materiallarni hozirlashda o'qituvchilarning mashqqa bo'lgan munosabatini bilishi, o'yin davomida muloqotni qanday boshqarishni aniq rejalashtirishi kerak. Mashqni dars mavzusi bilan bog'lash maqsadga muvofiqdir.

Mashqlar guruhlariga ajratilgan holda olib boriladigan bo'lsa, har bir ishtirokchining bilim darajasiga e'tibor qaratish kerak. O'qituvchidan mashqni nihoyatda uzoq davom ettirmaslik hamda uni qachon tugatish kerakligiga alohida e'tibor qaratish talab etiladi.

Masalan, 9-sinfda o'qituvchi o'yin boshlovchisi (leader) sifatida so'zlarni o'qiy boshlaydi va o'qituvchilarga mana shu so'zlarga qo'fiyadosh topishni

topshiradi. To'g'ri topgan o'qituvchi boshlovchi sifatida mashqni davom ettiradi. Bunday mashqlar o'qituvchidan faollikni talab qiladi. Ular tarkibiga dia-loglar, kichik sahna ko'rinishlari, audio-video lavhalar, she'rlar va qo'shiqlar kiritilsa, o'yin yanada qiziqarli, ma'lumotlarga boy bo'ladi hamda dars samaradorligini oshirishga yordam beradi.

### Sinab ko'ring

O'tilgan darsni takrorlash va mustahkamlash maqsadida o'qituvchi mavzudagi so'zlarni o'zbek tilida aytib turadi, o'qituvchilar tezlik bilan bu so'zlarning inglizcha nomlarini yozib borishlari lozim. Ular o'z ishlarini tugatgach, navbat bilan o'qib berishadi.

Guruhlarda ishlash ham dars jarayonida musobaqa tarzida tashkil qilinib, o'qituvchilarni izlanishga undaydi. Bunda murabbiy o'qituvchilarni to'rt nafardan iborat bo'lgan guruhlariga ajratadi va ularning har biriga savollar yozilgan

qog'oz beradi.

**1-vazifa:** o'qituvchilar guruhda tartib bilan o'ng tomondagi sherigiga savol beradi va bir daqiqacha ichida javob oladi. Javob bergan o'qituvchi ikkinchi savolni sherigiga beradi.

**2-vazifa:** o'qituvchilar savollar ichidan bittasini tanlab olib, javob beradi va uni muhokama qiladi.

Muhokamada o'qituvchi "Bu darsda qanday yangi so'zlarni o'rgandingiz?", "Mashq orqali kimlar bilan do'stlashdingiz?" singari savollarni berishi mumkin.

Samaradorlikni oshirishning yana bir usuli — didaktik materiallardan foydalanish. Bunda tarqatma materiallar, kartochkalar, syujetli rasmlar orqali mavzuni yoritish uslublari qo'llanadi. Shuningdek, anketa to'ldirish, savollarga javob berish orqali o'qituvchilar bilimi nazorat qilinadi. Har oyda bir marta test sinovlari, ijodiy ishlar o'tkaziladi. Didaktik va ijodiy tarzidagi foydali o'yinlar o'ziga xos talablarga javob berishi lozim.

Dars o'tish jarayonida o'qi-

tuvchining qo'ygan maqsadiga erishishi uchun katta turtib bo'ladigan, darsni yangilikka boy tarzda o'tishga undaydigan «Yo'lakcha», uyga vazifani mustahkamlash uchun «Olma daraxti», yangi mavzuga oid bahs, muzokara olib borish uchun «Debat», grammatikani takrorlash uchun «Uyingni top», tarbiyaviy mazmundagi «Oq va qora» kabi mashqlar ham samaralidir. Masalan, «Uycha strategiyasi» mashqida uycha maketi dars bosqichlariga qiyoslab o'tiladi. Agar dars olti bosqichli bo'lsa, maketi oltita bo'lakka bo'linadi. Ya'ni, deraza, eshik, tom, pol va boshqalar tayyorlanadi. Mavzuning har bir bosqichi uychaning bir bo'lakiga qiyoslanadi. Jumladan, uyga vazifani poydevorga qiyoslaymiz va mavzuning har bir bosqichini muvaffaqiyatli o'tganimizda, bitta bo'lakchadan magnit doskada uychani qurib boramiz. Bunday mashg'ulotlar o'qituvchilarning lug'at boyligi va intellektual salohiyatini oshirish, fikrlash doirasini rivojlantirish, ingliz tilida aniq va ravon talaffuzni shakllantirishga zamin yaratadi.

**Nafosat KOSHCHANOVA,**  
Urganch shahridagi  
20-umumta'lim  
maktabi ingliz  
tili o'qituvchisi

## 2010-yil — Barkamol avlod yili

Qarshi tumani Beshkent shahridagi 10-umumta'lim maktabi hovlisi bolalarga t'uldi. Tanaffusda uquvchilar boradigan joy oshona bu'la-di.

Mana, maktab oshonasi. Bu erda saranjom-sarishatalik hukmron. Oshona u'ziga xos bezatilgan bu'lib, unda taxminan 30-40 cho'g'li uquvchi tu-shlik qilmoqda.

— Maktabimizda oshona xizmati yaxshi i'ylga k'uyilgan, — deb su'z bo'shladi maktab direktori Mu'habbat Xuseno'va.

t'ug'ridan-t'ug'ri sotib olib, famlab k'uyamiz.

Bo'sh oshpaz A'hamad Rajabov Qashqadare' viloyati davlat unitar korxonasi bilan u'zaro tuzilgan shartnoma asosida ish yuritadi. Har bir mahsulot sertifikat asosida sotib olinadi. Shuningdek, maktab oshonasi tuman sanitar-epidemiolog vrachlari tomonidan doimiy nazorat qilib turiladi.

— Maktablarda oshonalarning mavjud bu'lishi, birinchidan, uquvchilar salomatligi

## МАКТАБ ОШХОНАСИ:

**нархлар арзон ва шароит кўнгилдагидек бўлиши зарур**

— Бу ерда бир вақтнинг ўзида 40-45 нафар ўқувчи овқатланиши учун шароит яратилган. Ошхонада тайёрланган лаззатли таомларни ўқувчиларимиз ҳам, ўқитувчиларимиз ҳам севиб тановул қилишади. Нархлари ҳам қиммат эмас, ўқувчилар харид имкониятига мос. Maktab oshonasida qaxva, kaka'o, shirin cho'y hamda har xil turdagi pechen'ye va shirinliklar mavjud.

— Айрим ота-onalар фарзандларига maktabda qorinlari ochganda eyishlari uchun non va piшириqlar ham berib yuborishadi, — deydi oshona bo'sh oshpazi A'hamad Rajabov. — Ana shu uquvchilar oshonamizga kirib, biror stakan sharbat, kaka'o e'ki cho'y olishadi-da, engilgina ovqatlanib, yana darslariga kirishadi. Yuqori sinf uquvchilari va akсарият uquvchilar, asosan, shu еrda tu-shlik qilishadi. Taomlar qimmat эмас. Ne'gaki, biz mahsulotlarni ilohi bo'richa de'xonlarнинг u'zlaridan

учун муҳим ҳисобланса, иккинчидан, бу ҳол дарсдан сўнг бўладиган синфдан ташқари машғулотлар сифатига ҳам таъсир кўрсатади, — дейди мактаб директори.

Айни вақтда Qashqadare' viloyatida davlat unitar korxonasi faoliyati i'ylga k'uyilgan bu'lib, ular maktab oshonalari-da ishni k'ungildagidek tashkil etish uchun u'zaro tuzilgan shartnomalar asosida k'umaklashuvchi korxonasi sifa-tida ish olib bormoqda. Mazkur korxonaning barча tuman-larda filiallari ishlab turibdi. Farzandlarimiz sog'lom, baquvvat bu'lishini istaymiz va buning uchun e'lib-yuguramiz. Umumta'lim maktab-larida ularning jismonan sog'lom bu'lishi uchun sport zal-lari, turli chiniq'tiruvchi vositalar mu'hai'e etilgan. Bolaning salomatligi, yuqorida ta'kidlaganimizdek, maktab oshonasidagi shart-sharoitga ham boriб taqalishi, tabiiy.

**Абдували ОБИДДИНОВ,**  
«Ma'rifat» muxбири

## ЭЗГУ ИШ БЕСАМАР БЎЛМАС

**Агар инсон ёшлигида чин дилдан ниёт қилсаю, уни амалга ошириш учун бор куч-ғайратини ишга солиб ҳаракат қилса, ўша орзуси бир кун келиб, албатта, рўёбга чиқар экан...**

Менинг хулосам шундай. Биринчи устозим Азиза опанинг болаларга бўлган меҳрибонлиги, дарсларни маҳорат билан ўтиши менда ҳам бу касбга меҳр уйғотди. Бошланғич синфда уйғонган ниёт қалбимга мустаҳкам ўрнашди ва келажакда, албатта, ўқитувчи бўламан, деган орзу билан яшадим. Мақсадим амалга ошиб, устозимдек бошланғич синф ўқитувчиси бўлгач, жажжи болажонларга илк сабоқларни бера бошладим. Бу орада устозимдан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Фикримча, бошланғич синфларда, энг аввало, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиб, улар қалбига i'yl to'pa билиш ўқитувчининг асосий мақсади бўлиши керак. Дарсда ҳар хил ўйинлардан, хусусан, бошқотирмалар, дидактик материаллар, расмлар ва жонли кўргазмалардан кўпроқ фойдаланаман. Чунки бошланғич синф ўқувчилари ҳар бир нарсдан ҳайратланишади. Асосийси, сизнинг ҳар бир гапингиз унинг

ёдида бир умр сақланиб қолиши ҳам мумкин. Болаларнинг завқ билан ҳарфларни таниши, сўзларни ўқишга бўлган интилиши танлаган касбимга бўлган қизиқишимни кун сайин орттирди.

Айни пайтда Зангиота туманидаги 14-мактабда ўн олти йилдан бери дарс бериб келаман. Беш йилдан буён эса мактабда бошланғич синф услубий бирлашмаси раиси сифатида ишлаб, ёш ўқитувчиларга ўз тажрибаларимни ўртоқлашмоқдаман.

Янги педагогик технологиялар ёрдамида машғулотларда кластер, бешлик, интерфаол ва дебат услуларидан фойдаланиш бугун мен ва ҳамкасбларимнинг ҳар кунлик одатига айланган десам, адашмаган бўламан.

Қилинган меҳнат ҳеч қачон бесамар кетмас экан. «Халқ таълими аълочиси» деган фахрий номга сазовор бўлдим. Бу эса менга каттароқ масъулият юклар, келажак авлодга бундан-да пухта билим беришга ундади.

**Нилуфар ФУЛОМОВА,**  
Зангиота туманидаги 14-мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси

## БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Поп туманининг Тўда қишлоғида жойлашган 43-мактаб-интернатда фарзандларимизнинг чуқур билим олиши учун қатор имкониятлар яратилмоқда.

— Ўқувчилар ҳукуратимизнинг ғамхўрлигини ҳис қилган ҳолда ҳар томонлама чуқур билим олишга интиломоқдалар, — дея сўз бошлайди директор Холиқжон Дадахонов. — Давлат бюджетидан 2010 йил учун 150 млн. сўм ажратилган. Бу дегани, қишлоқ мактабидagi барча режаларни амалга оширса бўлади. Бугунги кунда билимгоҳимизда 301 нафар ўқувчи тарбия олмақда. 56 нафар ўқитувчи ўз билим ва тажрибаларини болалар билан баҳам кўриб келмоқда.

Мақтабимизга Наманган вилоятининг Тўрақўрғон,

Мингбулоқ, Поп, Чуст туманларидан ўқувчилар қатнайди. Уларнинг билим олиши, жисмоний бақувват бўлиб вояга етиши учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Оз бўлса-да, экин майдонимиз бор. Иссиқхона қуришни мўлжаллаб турибмиз. 350 ўринли ошхонамиз талаб даражасида таъмирланди. Зарур мебелларни харид қилиб, ётоқхонани ҳам ҳавас қилгудек ҳолга келтирдик. Болажонлар учун уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилди.

Қишлоқ билим масканида 14та фан тўғараги узлуксиз ишламоқда. Жисмоний тарбия, она тили, математика, биология фанлари бўйича ташкил этилган тўғарақлар яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Болаларни тўғарақларга

жалб этишда Ойдин Ортиқова, Хадича Абдуллаева, Ҳалима Каримова, Комила Йўлдошева каби моҳир педагогларнинг хизмати беқиёс.

— Бир ёқадан бош чиқариб ишлашда гап кўп, — деди биз билан суҳбатда «Пахтакор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Санобар Жўраева. — «Баркамол авлод йили»да хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириш ниятимиз бор. Maktab бизнинг маҳаллада жойлашганми, ўқувчилар қайси тумандан келиб ўқишдан қатъи назар, улар учун биз жавобгармиз.

Фарзандларимиз учун жавобгарлик ҳисси барчамизда бўлишини ниёт қиламиз. Зеро, фарзандлар — миллатимиз келажигидир.

**Пўлат ХАМДАМ,**  
«Ma'rifat» мухбири



**Оилада, боғча-мактабда, ишда ва умуман, ҳаётда ота-она ва фарзанд, тенгдошлараро, синфдошлараро келишмовчиликларга кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Айниқса, жамиятнинг ўзаги бўлмиш оилада, ота-она ва бола ўртасидаги меҳр-муҳаббат риштасининг дарз кетиши ва бунинг натижаси ўлароқ, шахсда девиант хулқ-атворнинг таркиб топиши баъзи кўнгилсизликларга замин бўлади.**

**Инсон умрини, имкониятлари ва потенциални турли тушунмовчиликлар, ўринли-ўринсиз баҳслар, асаббузарликлар "емиради". Конфликтлар кишини ўз "Мен"ни англай бошлаганидан оқ таъқиб этади, дейиш мумкин.**

**ОРЗУ ЗАМИРИДАГИ ТАҲДИД**

Бундай зиддиятларда кимдир ҳақ, кимдир ноҳақдир. Бироқ, бу конфликт келиб чиқишининг асл сабаби эмас. Психолог Дейл Карнегининг "Отанинг тавбаси" мақоласини ўқиб хулоса қилиш мумкинки, ота-она фарзандида ўз тасаввуридаги шахсни кўришни истади ва бу билан келишмовчиликларнинг илк уруғини экади (ачинарлиси, улар хато иш қилаётганликларини англамайдилар).

эмаслигини кейинроқ тушунтиришни мақсад қилиб, индамай кетганида ёки бошқачароқ йўл тутганида зиддият пайдо бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Зиддиятларни ўрганиш ва олдини олишни тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан Эрик Бёрн томонидан ишлаб чиқилган трансактив таҳлил ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга. Унинг тадқиқотлари одамларнинг бир-бирига муносабати, фаолияти ва хатти-ҳаракати механизмини тушуниш, шунингдек, мuloqot жараёнида вужудга келувчи зиддиятлар сабабини тушунтириш имконини

Рухшунослар зиддиятга учрамаслик ёки бу жараёни самарали ҳал этиш учун кишида юксак муомала маданияти, ўзгаларга ҳурмат, юқори интеллект, одамлар психологиясига таъсир методларини билиш, ҳаётга муҳаббат бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатда, халқимизда ҳикматга айланган «Яхши гап билан илон инидан чиқар...», деган нақл бекорга айтилмаган.

**МАНФААТЛАР УЙГУНЛАШГАНДА...**

Муносабатлар жараёнида ноўрин танқид, койиш, гап тортишиш, баҳсда устун келишга ҳаракат қилиш вазиятни чигаллаштиради. Шу боис, инсон психологиясига таъсир ўтказиш методларидан фойдаланиш сиз кутган натижани беради. Сўзимизнинг исботи сифатида ибратомуз бир воқеани келтирамиз:

Ўтган замонларда бир кампир кўрмисизгина, аммо каттагина боғли бир ҳовлида якка-ёлғиз яшаркан. Ҳар йили унинг боғидаги олмалар ҳали фарқ пишмасидан маҳалланинг бир гуруҳ «йўлчангитар» болалари қоқиб, шохла-

**Mulohaza**



жозолашни ҳам сизларга топшираман». Ушбу воқеадан кейин боғга дахлдорлик ҳиссини туйган болалар, ўзгариб, кампирнинг йўриғига тушишади. Бу ривояда оқила кампир инсон психологиясига таъсир этишининг аънавий усулидан фойдаланди, яъни ўз манфаатини иккинчи томон манфаатига уйғунлаштиришга эришди.

**ВОҚЕА**

— Фаолиятим давомида шундай ҳолатга дуч келганман, — дейди Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси Гулнора Нишоновна. — Ҳар дарс маъруза ўқир эканман, бир талаба менга тинмасдан халал берарди. У луқма ташлаб ўтирар, ўринли-ўринсиз саволлар берар ва шу орқали курсдошларини кулдиришга ҳаракат қиларди. Бу ҳол бир неча дарсларимда қайта такрорланавергач, Асрор (исми ўзгартирилди) билан дарсдан сўнг юзма-юз гаплашдим. Маъруза давомида фикримдан чалғитаётганини ва бунинг сабабини сўрадим. У шунчаки аудиториянинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилаётганини айтиб туриб олди. Кейинги дарсларимда ҳам талаба «хурмача» қилиқларини канда қилмади. Унинг нима истаётганини, тўғриси, тушуна олмадим. Бошим қотди. Уни аудиторияда кўрсам, кайфиятим бузиладиган бўлиб қолди.

Педагогик фаолиятим давомида бирор талаба билан бунақа конфликтга бормагандим. Шундай вазиятда деканатга мурожаат қилиб, университетнинг тартиб-қоидаларига амал қилмаётган талабани жозолашни талаб қилишим ҳам мумкин эди. Аммо, бу ишим зиддиятни ҳал этишда, талабалар шууридаги мунозарарада «мағлуб» бўлиш билан баробар эди. Муаммони бартараф этишнинг бошқа йўллари изладим.

Дастлаб, Асрорнинг оилавий аҳолини, тарбия топган муҳитини ўрганиб, ўзига тўқ оиланинг ягона фарзанди эканлигини, бироз эркатой ўсганлигини аниқладим. Бошқа фанларда ўзини қандай тутишини кузатиб, бу ҳолат оdatий эканлигини билдим. Ушбу маълумотлардан ва унинг характерида келиб чиқиб, биринчи навбатда, унга масъулият ҳиссини юклаш зарурлигини англадим. Шу мақсадда бир сафар дарснинг охирида эртанги кун маърузасини «курсимизнинг фаол талабаларидан» бўлган Асрор тайёрлаб келишини ва менинг ўрнимга дарс ўтиб беришни ҳамда унинг бу вазифани албатта бажара олишини талабалар олдида таъкидладим. Унга мавзун и ёздириб, керакли адабиётлар рўйхатини бердим. Асрорнинг олдида бу борадаги курсдошларининг фикрини сўрадим. Кўпчилик талабалар Асрорнинг дарс ўтишига розилигини ва у бун и урдаллашига ишонилларини айтишди. Дарсимизга бир неча меҳмонларни таклиф қилишимни ҳам эслатиб қўйдим. Келгуси дарс мен кутгандек бўлди. Асрор талабалар олдида маъруза ўқиди. У бу билан мен ва бошқаларга кўлидан кўп иш келишини исботлашга уринаётган эди. Шу билан бирга бу — ўқиб-изланишга, гурурини ҳимоя қилишга қўйилган қадамлардан бири эди. Кейинги дарсларимда унинг ақлий салоҳияти ва интилишларини таъкидлаб, ўтилган мавзу юзасидан фикрларини сўрайдиган бўлдим. Ишонасизми, у фанимга жуда қизиқиб кетди ва ҳақиқатда курснинг илғор талабаларидан бирига айланди.

**ХУПОСА**

Демак, конфликтларни ҳам маълум сабаблар келтириб чиқаради. Бу ҳолни бирор касалликнинг юзга келишига менгзаш мумкин. Ташқаридаги қаҳратон совуққа «қарши» энгил кийиниб чиқиб, шамоллашга йўлиққанмииз каби «тўнини тескари кийган» кишига эҳтиётсиз муомалада бўлишимиз, чигаллашаётган муносабатларда бир-бирларимизни тушунмаслик бизни зиддиятларга дучор қилади. Шу боис муомалада ширинсухан, муносабатларда зийрак, тушунмовчиликларда оқил бўлайлик.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

**БОЛА «МЕН»И —**

Бу ерда гап ота-онанинг фарзандига яхшилик соғиниб, боланинг характери, дунёқарашини, истаклари ва салоҳиятини реал қабул қилмай, қандай бўлса шундайлигича эмас, ўзи хоҳлаганидай баҳолашида. Оқибатда бола истаса ҳам ота-онасига уларнинг идеалидаги шахсни тақдим қила олмади.

Аслида, бу нарсанинг имкони ҳам йўқ. Боланинг юриши, туриши, ўзини тутиши, жамиятга, борлиққа муносабати каби айнан унгагина хос қарашларни кескин ўзгартиришга ҳаракат қилиш уни қайтадан «ясашга», «сохталаштиришга» уринишдек, «Мен»ига дахл қилишдек гап. Бу ҳаракат табиий-биологик равишда қаршиликка учраши аниқ. Ахир бола ҳам инсон сифатида ўз "Мен"ининг бошқалар томонидан эътироф этилишини, гуруру ва мавқеининг тан олинисини истади.

Дейлик, ишдан қайтар экансиз, ўғилчангиз йўл четида тупроққа тиззалаганча ўртоқлари билан ўйнамоқда. Табиийки, бу ҳолни кўриб, жаҳл отига минасиз. Чунки сиз зах тупроқда ўйнаш соғлиқ учун зарарлигини, янгигина шимчанинг кир бўлиб эскиришининг моддий зиён эканлигини яхши биласиз. Сўнгра ўғилчангизни олдингизга тушиб, уйга кетишга мажбурлайсиз, бирикки дакки ҳам беришингиз мумкин. Ўша вазиятда бола ҳамроҳларининг олдида мулзам бўлиши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Сиз бу билан жамоат кўз ўнгида унинг оиладаги шахсий мавқеини "парчалаб" ташлагандек бўласиз. Кейин уйга келиб, у қилган ишингиз учун гарчи бу тўғрилигини билса-да, ич-ичидан антиҳаракатни намоён қила бошлайди. Мисол учун бола у-бу нарсалар баҳонасида хархаша қилиши, "овқатланмайман", деб туриб олиши ёки бошидаги шапкачасини атайин полга ташлаб кетиши, ўйинчоқларини синдириши мумкин. Албатта, сиз унинг бу ишини фақатгина қоралайсиз. Бундай ҳол ҳадеб такрорланаверса, болада тажанглик, кўрслик, жиззакилик, ўзидан катталарга ҳурматсизлик, гўзалликка бепарволик хислатлари шаклланади.



**ИНСОННИ ТУШУНИШ САБОҒИ**

XX аср бошларида яшаб, тадқиқотлар олиб борган машҳур психолог Иван Павлов таъкидлайдики, ҳаётдаги келишмовчиликлар одамларни тушунмаслигимиздан эмас, бир-биримизнинг ҳолатимизга киришни билмаслигимиздан содир бўлади. Яъни, юқоридаги воқеада ота ўзини фарзандининг ўрнига қўйиб кўра олганида унинг ҳолати болаларча ўйинқароқлик эканлигини, унинг ҳам тенгдошлари қатори ўйнашга ҳаққи борлигини англаган бўларди. Бунда ота ўғлига қилаётган иши яхши

беради.



Психологнинг фикрича, ҳар бир одамда қотиб қолган ақида сифатида шаклланган шахслараро муносабат мажмуи бўлиб, улар инсоннинг онги даражаси билан боғлиқ. Олим "Мен"лик ҳолатини шартли равишда уч турга ажратади (Мен — ота-она, Мен — етук шахс, Мен — бола). Бунда туйғулар тизими ва уларга хос хатти-ҳаракатлар шакли асос қилиб олинган.

Э.Бёрн терминологиясига кўра, мулоқот бирлиги бу — трансакция. Агар бирор одам қайсидир йўл билан бошқа одамга нисбатан муомалага киришини билдирса, бу жараён — трансактстимул(Тс) дейилади. Унга жавоб бериш трансакт-реакция(Тр) ҳисобланади. Шундай қилиб, трансакция=Тс+Тр. Меъёрий инсоний алоқаларда стимулга жавобан қутилган ва табиий реакция кузатилади:



Яъни, бунда муносабатлар бир текис, ҳеч қандай конфликтларсиз кечади. Мисол учун ишхонада бошлиқ «ота-она» позициясида туриб муносабатга киришса, сиз «етук шахс» нуқтаи назаридан жавоб реакциясини қайтарсангиз, юқоридаги чиқиқларда кесишув содир бўлмайди.

Аммо ҳаётда шахслараро муносабатлар доимо параллеллик касб этавермайди. Айтайлик, ҳамиша тенглик муносабатида бўлиб келган ўртоғингиз билан қарашларингизда номутаносиблик юзга келса, у ёки сиз «ота-она» поғонасига чиқиб олсангиз, албатта чиқиқларда тўқнашув бўлиб, конфликт вазияти вужудга келади:



**ГУРУРИ**

рени синдириб кетишаркан. Бун и кимлар қилаётганини оқила кампир билса-да, бағрикенглик қилиб индамас экан. Лекин кўпчиликнинг ризқи ҳисобланган меваларнинг исроф бўлганлигини кўриб, яна ичи ачишаркан. Бу йил ҳам боғдаги олмалар эндигина ранг ола бошлаганида «шумтакалар» аввалги номаъқулчиликларини такрорлай бошлашибди. Шунда доно сўзамол кампир болаларни ёнига чорлаб, шундай дебди: «Болаларим, мен сизларни ўз фарзандларим деб билман. Шу сабаб сизлардан бир илтимосим бор, бажо қиласизларми? (Болалардан тасдиқ жавобини олгач, давом этибди.) Бир қаранг, Худо ризкимизга барака бериб, боғимиз файзга тўлди. Шохларда маржондек тизилган олмаларни кўриб, кўзинг қувнайди. Ҳадемай, «мезон» шамоли эсиб, улар фарқ пишади. Бироқ кўнглим бироз хира. Кимлардир боғга сўроқсиз кириб, етилмаган олмаларни тўкиб, бечора дарахт шохларини синдирмоқда. Кўриб турибсизлар, қариб қолдим, унинг устига ёлғизман. Шунинг учун, мана шу боғга биргаликда эғалик қилсак, барча ишларда менга ёрдамчи бўлсангиз, дегандим. Нақшинкор меваларга мендан-да эътиборли бўлиб, яхшироқ қарайсизлар деб ўйлайман. Безориларни тутиб,




**Bunday dabdabali to'ylarni ayrimlar kelin-kuyovning baxti uchun, deya izohlashadi. Lekin ne-ne mutafakkirlar tejankorlik hikmati baxtning mazmun-mohiyati bilan uyg'un bog'langani haqida ko'p qimmatli fikrlar aytishgan.**

# Ma'rifat

2010-yil 14-aprel

**Odamlarga nima bo'lgan o'zi, to'g'rirog'i, uyali aloqa kompaniyalarining maqsadi nima? Axir qo'l telefonini tutishdan maqsad o'zingizga muhim bo'lgan kishini tezkorlik bilan topish, uzoqni yaqin qilish emasmi?**



# «Ma'rifat» Mahorat Maktabi

**Тахририят қошида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети жаҳон журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи кафедрасининг ижодий устахонаси фаолият кўрсатмоқда. Тахририят ва кафедра ходимлари ҳамкорлигида журналистика амалиёти бўйича маҳорат машғулотлари ташкил этилмоқда.**

**Куйида талабаларнинг машғулотлар, тахририят бўлимларидан олган топшириқлар асосида ёзган журналистика машқури ҳавола қилинмоқда.**

**Мақолаларда Сиз ёшларнинг ўзига хос истеъдодини, ҳаётни англаш ва ўзининг ёрғу келажакини қуриш йўлидаги бузғини кўри ёшларига хос бўлган интилишини кўришингиз мумкин. Ва ишонимизки, уларга, умуман, ёшларимизга нисбатан Сизда ҳам ҳавас ва ишонч туйғулари янада ортади.**

## ХУНАРМАНДЛАР МАҲАЛЛАСИГА САЁХАТ

Бухоро вилояти Жондор туманидаги Ушот маҳалласи ҳақида кўпчилик эшитган бўлса керак. У ерни қадимдан хунармандлар маҳалласи дейишади. Айтишларича, энг моҳир хунарманд усталар айнан шу ердан чиққан экан. Бу анъана ҳозирга қадар сақланиб қолган бўлиб, улар ўзлари тайёрлаган буюмлари билан машҳур. Айниқса, Бухоронинг зардуўзи патдўзиларининг кўп қисми худди шу ердан тайёрланади. Тандинрос кўлларини айтмасизми, отамерос касбларини давом эттириб, фарзандларига ҳам хунар сирларини ўргатиб келишмоқда. Эшикдан кириб келган меҳмонни ширинлик билан сийловчи маҳалла аҳли қандолатчилик маҳсулотлари билан ҳам танилган. Хонадонларга бир-бир кириб чиқар эканми, уларнинг бар-

часи хунармандчиликнинг ҳеч бўлмаганда бир тури билан машғул эканига гувоҳ бўламиз. Уларнинг бири — Шойим бува Имомовнинг хонадонига ташриф буюрганмизда, ҳовли тўла тандинроси кўрдик. Бир томонда тупроқ, бир томонда сомон. — Касбим — орзу-мақсадларимни амалга оширишимда энг яқин йўлдошим. Шу хунарни эгаллаганимдан ҳеч ҳам афсусланмайман. Аксинча, бунинг учун ота-боболаримдан миннатдорман, — дейди фахр билан Шойим бува. Қизиқари томони шундаки, тандинрос яшаш жараёнида нафақат эр-какалар, балки, аёллар ҳам фаол иштирок этар экан. — Тандинрос унинг учун ҳамма тупроқ ҳам мос келвермайди. Керакки хомашё чўл минтақасидан олиб келинади, — дейди 71 ёшли

таңдинрос Муҳаббат ая Тўхтаева. Аждодларимиз азаладан бир-биридан мазали нон маҳсулотларини ёпишда қўллаб келадиган ушбу буюмни тайёрлаш жараёнига бир эътибор қаратамиз. Аввало, махсус келтирилган тупроқдан лой қорилиб, сомон билан аралаштирилади. Тайёр бўлган масаллик пичоқ билан кесилиб, тўрт бурчак шаклга келтирилади. Сўнгра у тик ҳолатга келтирилиб, айлана қилиб икки учи бирлаштирилади. Кейин у махсус асбоблар ёрдамида урилиб, тандинрос ҳолатига келтирилади. Чала тайёр маҳсулот эса 2—3 кун офтобга қўйиб қуритилиб, усти лойли сув билан ювиб чиқилади. Пастки қисмига айлана шаклда тешик ҳосил қилинади. У яна икки кун қўёшда туради. Кўринишидан анча содда бўлган тандинрос

тайёрлаш учун шунча меҳнат сарф қилинишига гувоҳ бўлиб, ҳайратимиз ошди. Яна бир одатта кўра, хунармандлар маҳсулотларини сотиш учун бозорга бормас, балки кўчаларга чиқариб қўйилган тандинросни харидорларнинг ўзлари келиб, сотиб олишар экан. Сухбатимиз охирида кекса онахон айтган ҳикмати сўзлар ҳеч қачон ёдимиздан чиқмас керак: "Хунарли киши ҳеч қачон хор бўлмас". Шундай қилиб, хунармандлар маҳалласидан бир олам таассурот билан қайтдик. Миллий анъаналаримиз масканига яна қачондир ташриф буюришимизни кўнглимизга тугдик. Хунармандлар аҳли ва уларнинг муносиб давомчиларининг ишларига эса барака тилаб қоламиз. **Шахрибону ИМОВОВА**

## ИСРОФГАРЧИЛИК ИЛЛАТИДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

Дабдаба... Бугунги кундаги айрим маросимлар — тўй-ҳашам, ҳатто тутилган кунларга нисбатан ана шу сўзни қўллаш мумкин. Ортиқча сарф-харajat, исроф устига қурилган ўзини кўз-кўз қилиш, мақтаншдан не наф? Яна бундай тавдирларлар ўтказиб қўйилган "маданий тарзда нишонлашга ҳаракат қилаёмиз", дейишларига қандай муносабат билдириш мумкин? Аслида маданият камтарликка шпор эмасми? Асл маданиятни қандай қилиб ҳашамат, дабдаба қиёфасида тасаввур этиш мумкин? Ўзим гувоҳ бўлган бир никоҳ тўйи ҳақида гапириб бермоқчиман.

Тўй ҳашаматли бинода карнай-сурнай журлигида бошланди. Дастурхон устида қора икрадан тортиб, қизил икрагача, турли хил ноз-неъматлар, хилма-хил мева-чеваю бир-бирини такрорламайдиган салатлар турарди. Даврани ҳар ўн-ўн навб дақиқада эстрада юлдузлари наваб алмашиб, қизитишга ҳаракат қиларди. Энг ачинарлиси шундаки, тўй якунига етганидан сўнг дастурхонда ортиб қолган нарсалар хизматчилар томонидан патнисга аралаштириб солиниб, чиқиндига чиқариб ташланди.

Бундай дабдабали тўйларни айримлар келин-куёвнинг бaxти учун, дея изоҳлашади. Лекин не-не мутафаккирлар тежамкорлик ҳикмати бахтнинг мазмун-моҳияти билан уйғун боғлангани ҳақида кўп қимматли фикрлар айтишган. Бундан ташқари, ортиқча сарфланган маблағ хайрли ишлар учун берилса, ҳам савоб бўлади, ҳам кўнглилар нурафшон тортади. Афсуски, ҳашаматга "бурканган" маросимлар ҳали ҳам учраб турибди. Бу каби "удумлар"дан воз кечиш вақти келмадимикан, азиз ўқувчи! **Феруз ЖҲРАЕВ**

Замонавий замондошим, айтинг-чи, инсонлар ўзларига чин дўст топа омай, қайсибир маънода яқин бир дардқашга муҳтожлик сезаётган бир вазиятда ким ҳам «Дўстингни лақиллат» дейиши мумкин. Менимча, бу сўзлар сизга таниш, чунки, албатта, уяли алоқа воситасидан фойдаланасиз. Англаган бўлсангиз бугун кўпгина муаммоларга сабаб бўлаётган кадрдон «сотка»нинг яна «қулоғидан тортиб қўймоқчимиз». Ахир халқимизнинг бой маънавий меросида дўстни улуғлаш ҳақида қанчадан қанча ҳикматли сўзлар, мақоллар мавжуд. «Дўстсиз бошим — тузсиз ошим», «Дўст ачитиб гапирар, душман қулдириб», «Дўстинг учун заҳар ич» каби мақолларни қўллаб келтириш мумкин. Уяли алоқа воситасидан маданийликни янгиликки кишиларга хос равишда фойдаланишни ёш авлодга ўргатолмай турган бир паллада фақат фикр-

ни чалғитишдан бошқасига ярамаётган Infoform Mobile «насиҳат»ларидаги мантқиқсизлик суякка бориб етмадики? Бугунги кунда бундай насиҳатларнинг орасида бизни ёқа ушлашга мажбур қилаётганларнинг рўйхати сизни қизиқтирса керак-а? Олий ўрин: «Дўст-

монда» бизни дангаси қилиб, енгил-епли ҳаётга ўргатиб қўймайшмикин? Ахир баҳона топши ўта маъсулйатсиз, яқов одамларга хос эмасми? Нега айнан «минг хил баҳона», яна камига «дўстни лақиллатиш» керак...

«Энг бозори чаққон насиҳат» номини асосида бизни дагга олиб, енгил-епли ҳаётга ўргатиб қўймайшмикин? Ахир баҳона топши ўта маъсулйатсиз, яқов одамларга хос эмасми? Нега айнан «минг хил баҳона», яна камига «дўстни лақиллатиш» керак...

«Энг бозори чаққон насиҳат» номини асосида бизни дагга олиб, енгил-епли ҳаётга ўргатиб қўймайшмикин? Ахир баҳона топши ўта маъсулйатсиз, яқов одамларга хос эмасми? Нега айнан «минг хил баҳона», яна камига «дўстни лақиллатиш» керак...

## «ДўСТИНГНИ ЛАҚИЛЛАТ»МА...

ларингни ишонтириш учун минг хил баҳона, 0707га кўнғироқ қил, бир дақиқаси 0,45\$». Нима деб ўйлайсиз, бу олий ўринга муносибми? Ҳақиқат ҳақиқат билану, лекин ҳақиқат таги зил-да! Тан олиш керак, «ахборот асри», «Интернет» деб эркинликнинг чек-чегарасиз осмонидан келтириш мумкин. Уяли алоқа воситасидан маданийликни янгиликки кишиларга хос равишда фойдаланишни ёш авлодга ўргатолмай турган бир паллада фақат фикр-

ринчи ўринни эгаллаб турган СМС билан танишинг. «Дўстингни лақиллат». Ота-оналаримиз болалигимизда дўстларинг билан иноқ бўл, деб ўргатишган. Лекин бугун биз қайси мазнилга етдик? Тўғри, дўст билан ҳазиллашиш мумкин, агар яхшиликка олиб борадиган бўлса ёлғон гапирини ҳам айбалаймиз. Лекин лақиллатиш шартмикин? Эътибор қилинг, иккинчи ўринни ҳақиқат равишда эгаллаб турган на-

Ва ниҳоят, учинчи ўрин соҳиб билан танишинг: «Ҳаётингиздаги турли ҳоллар учун алиби». Бирор нарсани тушундиргимизми? Биринчидан, «Ҳаётингиздаги турли ҳоллар» дегани — бу севган қизингиз «иккинчи линия»сига тўшиб қолиб, жигитингиздан бўлаётган рашқчи йигитнинг ҳолатими?.. Иккинчидан, «алиби» — қиз ўзининг бошқа йигит билан гаплашмаётганини оқлашга уриниб, ёлғон-яшиқ гапларни

тўқишимизми? Балки мен янгилаётганимдан, сиз нима дейсиз, замонавий эшларни бу каби «оммавий маданият» қармоғига илтиришдан кимга наф? Мақсадимиз кимнидир қоралаш ёки айб қилдириш эмас, балки эшларимизга оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олишида эътибор бўлса, да кўмаклашиш эди. Зеро, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ лозим.

**Зебо НУРМОҲОВА**

## «КЎЗЛАР ЁЛФОН СЎЗЛАМАЙДИ»

Бугун ухлаб қолибман. Дарсга ҳам кечикиб бордим. Ўз-ўзимга таскин берган бўламан: «Ҳа, талабадан бўлиб туради-да!» Уйлайман. Қани энди ҳар кунимиз 24 эмас, 48 соатдан иборат бўлса. Вақт... Талаба учун энг керакли нарса бу вақт бўлса керак. Ҳатто уйқу ҳам вақтинг етмаса... Вақт... Вақтни ёмон кўраман. Чунки у режаларимга, уларнинг бажарилишига ҳалақит беради. Кун... Кунни ёмон кўраман. Чунки ҳар кун катта-кичикки хато қиламан, кимнингдир дилини огритаман, кимдандир бутун умрга қўнғил қолади. Баян устозларим билан келишолмай қолмаганда, ба-рига қўл сийтайман. Тун... Тунни ёмон кўраман. Фақат кечқурун ташвишлардан қутулиб, енгил нафас оламан деганда, хаёлларга, ушшамас орзуларга қарам бўлиб қолиб, баъзан ҳақиқий ҳаётни унутиб қўяман...

Талабанинг (айниқса, агар у ўз олдига журналист бўлишдек мақсадини қўйган бўлса) қуроли қаламдир. Қаламинг қанча ўткир бўлса, шунча яхши... Аммо мен қаламин ёмон кўраман. Чунки унинг битиклари қатъий эмас, ундаги ёзувларни ўчирса бўлади. Ручка... Талаба бўлиб, ручкани ҳам ёмон кўриб қолдим. Нега дейсизми? Тўғри, унинг битиклари қатъий, аммо хато ёзсанг, ўчириб бўлмайди, ўчирсанг-да изи қолади. Хатосиз эса яшаб бўлармиди? Тил... Тил ҳам ёмон кўраман. Керакисиз гапларни баъзан кўп гапирарди. Баъзан ўзидаги энг содда бир оғиз гапни айтишга оҳишлик қилади. Талаба... Сен ҳар доим хисларни, туйғуларни келадиган, сабр-тоқатдан устун қолиб қолмайдиганлардансан. Шунинг учун ҳам ерда юришни ёмон кўрасан... Яна ёзмоқчи эдим, ёмон кўрадиган нарсаларим жуда кўп... Аммо дарсларни қилишим керак. Эртага тарихдан семинарни бор.

— Устоз, дафтаримни Сабога бергандим...  
— Устоз, кеча мазам бўлмай қолди...  
— Устоз, кутубхонада унақа китоб йўқ экан...  
Ва ниҳоят инсонлар...  
Инсонларни яхши кўраманми? Билмадим. Бир-биримизга вафо қилмаймиз. Кимнингдир сунага олдидан, яна олдидан инсонни бўлиш имконияти бўлса-да, ўзимизни олиб қочамиз. Меҳримизни қизғонимиз баъзан. Ахир бу адолатдан эмас...  
Тил...  
Тил ҳам ёмон кўраман. Керакисиз гапларни баъзан кўп гапирарди. Баъзан ўзидаги энг содда бир оғиз гапни айтишга оҳишлик қилади. Талаба... Сен ҳар доим хисларни, туйғуларни келадиган, сабр-тоқатдан устун қолиб қолмайдиганлардансан. Шунинг учун ҳам ерда юришни ёмон кўрасан... Яна ёзмоқчи эдим, ёмон кўрадиган нарсаларим жуда кўп... Аммо дарсларни қилишим керак. Эртага тарихдан семинарни бор.

**Севара МУСАЕВА**

## МАҚСАДЛАР ОЛФА БОШЛАДИ

Халқимизда «Меҳнат едирару, хунар кийдурар» деган мақол бор. Шунинг учун ҳам кўлида хунари борларнинг, меҳнатсеварларнинг жамиятдаги ўрни бошқача. Уларга ҳамма ҳурмат билан қаради. Ёшлиғидан тикувчи бўлишни орзу қилган Мадина ҳам хунар сирларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу боис онасига «Мен зўр тикувчи бўламан», деб сўз берган.

Бугунги кунда ёшларнинг касб-хунарга бўлган қизиқишлари жуда кучлилиги қувонарли ҳолат. Мана шундай ёшлардан бири Тошкент шаҳридаги имконияти «челланган шахслар»нинг кўрган чевар қиз янада ишларига касб-хунар коллежи ўқувчиси Мадина Комиловадир. Ёшлиғидан болалар учун кўгирчоқлар, уларга

кўйлақчалар тикиб юрган Мадина бу қизиқишлар кун келиб ўзининг фаолиятини белгилаб беришини билмас эди. Бугунги кунда у иштиёқи ва тинымсиз меҳнатлари натижасида тикувчилик сир-асрорларини мукаммал эгаллаган.

Яқинда у Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Энг моҳир тикувчи» танловида ўзи яратган ажойиб либослари билан иштирок этди. У тиккан либослар, замонавий пардалар, кичкинтойлар учун тикилган юмшоқ ўйинчоқлар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Ўз меҳнатининг самарасини кўрган чевар қиз янада ишларига касб-хунар коллежи ўқувчиси Мадина Комиловадир. Ёшлиғидан болалар учун кўгирчоқлар, уларга

**Феруза НАБИЕВА**

## «ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ»

"Китоблар қаршида жамики нарсалар нурали бўлиб туюлади", — деган эди рус ёзувчиси А.Чехов. Ҳа, ботиний дунёнинг биз билан китобларга назар солгани ўз олим Франческо Петрарканинг бошига дафна дарахтининг баргларида асалган гап! Ҳа, тожини кийгизишган. Бу — яхши китоб ёзгани учун мукофот эди. Аммо ўша пайтда матбаа бўлмаганидан шoir асарлари қўлёзма ҳолида тарқалган. Замондошлари шoirнинг иззат-икромини шу даражада жойига қўйишганки, ҳатто ақл бовар қилмайди. Кунлардан бир кун шoir саёҳатда юриб, мухлисларидан бири — заргарданда тунади. Кейинчалик заргар шoir тунаган хонанинг деворига олтин суви яритиб чиқади.

Жонсиз тана на гапирарди, на бировларга муҳаббат қўя олади. Шу маънода, китобсиз уй ҳам жонсиз танадай гап. Китоби мўл уй — кутубхона эса ҳақиқия сирли. Бу даргоҳ-кираг, гоҳи «асрлар тарихи»га тўшиб қолгандай, гоҳи эса англаб бўлмас сирлардан воқиф бўлгандай ҳис этамиз ўзимизни. Унинг сеҳри ҳам шунда.

Юртимизда китоблар сони жиҳатдан маълум бир устуликка эга жуда кўплаб кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Мустақилликдан сўнг уларнинг айримлари таъмирдан чиқарилди. Республикаимиздаги энг йилрик кутубхона — Алишер Навоий аъмидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимиз миллий маданият-тарихий меросининг ҳазиналаридан биридир. Марказий Осие минтақасидаги қўна ва йилрик кутубхоналардан бири бўлган бу маскан миллий матбуот нашрларидан энг тўлиқ тўлпамга эга, унда жаҳоннинг кўплаб тилларидаги китоблар сақланади. Хозирда кутубхонанинг умумий фонди жаҳон халқларининг 75 тилидаги 10 миллион нусха ҳужжатдан иборат, улардан 3,5 миллиондан ортиқ нусха Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатасида сақланаётган миллий матбуот коллекцияси, 2 миллионга яқин нусха техник адабиётлар ва илмий-техник адабиётлар мажмуасидир. Кутубхона 1956 йилдан бошлаб халқаро китоб айирбошлаш тизими билан боғланган. Жаҳоннинг 24 мамлакатиданги 30дан ортиқ ташкилот би-

лан бу соҳада ҳамкорлик қилади. Улмас ва унутилмас тарихимиз бўйича, яъни XIX аср ва XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда чоп этилган дастлабки тошбосма китоблар, вақт-вақт матбуот нашрлари, қўлёзма китоблар, тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотиб келади. Қўлга киритилган кўпгина соҳалар қатори кутубхона ишларида ҳам ўзгача замонавийлик руҳи сезилмоқда. 1998 йилдан кутубхона жараёнларини автоматлаштиришда, 1999 йилдан мамлакатимиз ва чет эл нашрларига электрон каталог тузишга киришилди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидаги «Автоматлаштириш ва янги ахборот технологиялари» бўлими интеграциялашган, автоматлашган кутубхона тизимини ривожлантирмоқда. Бу маскан йнғма электрон каталогни яратиш бўйича Ўзбекистон кутубхоналари Консорциумининг маркази ҳисобланади. Сиз бу ерда ўзингиз қидираётган китобни 10 хил усул билан компьютер ёрдамида топа оласиз. Бу ҳам ўқувчининг ишини енгиллаштиради.

**Маъмура ЁҚУБОВА**


## ЧАРЧАШГА ҲАҚЛИ ЭМАСМИЗ!

Машҳур шоиримизнинг шеъри шу онда хаёлимдан ўтди. "...Нурлар қадами-ла чоған севкунднинг, Баридан тутолмас айюҳаннос овоз...". Ҳа, аслида ҳаётда энг қимматли нарса вақт ҳисобланади. Биз ёшларчи, уни қанчага баҳоляемиз? Кўз очиб юмгунча ўқишинг яна бир йилни ҳам яқунлаб олдиқ. Мана шу ўтган вақт мобайнида нималар олдинг, нималар йўқотдинг? Ўқувчиларнинг ҳам дарс ўтиш услуби турлича. Баъзилари қизиқтириб, баъзилари эса зериктириб таълим беради. Аммо дарсонинг қандай ўтиши талабаларга даволик. Ахир орамизда ярим йил давомидо дарсга шунчаки келиб-кетиб юрганлар ҳам йўқ эмас-ку. Тўрт пара университетда вақтимизни ўтказиш эвазига бирон-бир билимга эга бўлаётганимиз ҳам катта ютуқ, албатта (баъзи бировлардан ташқари). Бирок дарсдан сўнг-чи? Дарсларим тугаб, уйга қайтар эканман, ланж, ҳолсиз бўлиб қоламан. Ҳеч нарса ёқмайди. Берилган вазир-фалар эса жуда кўп, барчасига улгуролмайман. Бу кун чег тили домлаамиз менга "Мақсадингиз нима?",

деб кўққисдан савол бериб қолди. Мен ҳайратланиб "Ўқиданми ёки ҳаётдаги мақсадини сўраясизми?", дея иккиландим. — Нима фарқи бор, ўзи бирор-бир мақсадингиз борми? Инсон ё чин дилдан ўқиши, ё бўлмаса бирор фойдаланиш мақсади билан ўқиб қолди.

— Мен инглиз тилини яхши ўрганмоқчиман. — Ҳеч сезилмаяпти-да, — ўқитувчининг мен ҳақимдаги очик танқиди мени бироз эсанкиратиб қўйди. Демак, ташқаридан ўзимга баҳо беришни ҳамон ўрганмабман. Хаёлимдан шундай ўйлар кечди: "Мен ёшман. Айни чоғда кучга тўлиб, гайрат ва шижоатдан ёниб яшашим, келажиким учун замин ҳозирлашим зарур". Шундай паллада ҳар кун ҳорасизланиб, қовоқларим осилиб юраётганим алам қилди. Бу ҳорасизланиш жисмоний заифликданми ёки давнасалик ва кам ҳаракатлинишга одатланиб қолганиданми, энди буни аниқлашим керак.

Чуқур мушоҳада юритиб тушундимки, ўқиб-қориб келишдан бошқа ҳеч нарса қилмаётган эканман. Ўқитувчимизнинг гапи билан кўзим каттароқ очилди. Инсон ҳаракатдан



**Болаликнинг бахтли дамлари.**

**ЎзДЖТУ талабаси Назира БОЙМУРОДОВА фотолавҳалари.**

# ФАРЗАНДИГИЗ УЧУН ВАҚТ ТОПА ОЛАСИЗМИ?

Ўқув масканларида ота-оналар кунни ўтказиши шу соҳага алоқадор инсонларни бениҳоя суянтирди. Ҳар ҳолда ота-оналар мажлиси деб номланадиган, ҳар ойда ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам асаблари чидамлилигини синайдиган бу жараёнга чек қўйилди.

Уч ойда бир марта ўтказиладиган ота-оналар кунни уч ойлик ҳисоботи-миз, ота-оналар билан бир кунлик тўлиқ мулоқот кунни деб қувонишди. Бу тадбирга тайёргарлик ҳар бир ўқувчининг қўлига дид билан ёзилган таклифнома-лар тутқазилиб, ота-оналардан «танишдим, албатта, бораман» деган ёзувлар билан имзо қўйилган тарзда қайтариб олишдан бошланади.

## Ota-onalar uchun

Ўқитувчи ва тарбиячилар ҳисобот тайёрлашади, ўқувчилар эса ҳафта давомида тоза синфхоналарни қайта-қайта йиғиб теришади, дарсларга янада фаолроқ қатнашишади, ўқувчилик формаларни қайта-қайта дазмоллашади, ота-оналари учун махсус дастур тайёрлаб, меҳрибонларини интизорлик билан кутишади. Ахир, улар шунчаки мажлисга келишмайди-да. Аммо мажлисга ота-оналарнинг баъзиларига на келган. Келганлар орасида ҳам вақти тизимлигини, муҳим иши борлигини пеш қиладиганлар кўп бўлади.

Одатда, аълочи ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам тартиб-қоидага амал қиладиган ва аксинча бўш ўзлаштирувчи, тартибсиз ўқувчининг ота-онаси фарзандига бепарворок шаяпти ёхуд ўзларининг эртақларга бой болаликлари ёдидан кўтарилган). Тўғри, бугун замон кундан кунга ривожланиб бормоқда. Кечаги кун билан бугуннинг болалари ўй-фикрлари билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Балки шунинг учун ҳам эртақлар болани алдашдек туюлаётгандир сизга. Асло, чунончи, эртақларда болаларнинг маънавий ва эстетик талабларига жавоб берадиган хусусиятлар

бўлади. Кўп ота-оналарни айблаш ҳам нотўғри. Сабаби, гуруҳимизда бўш ўзлаштирадиган бир ўқувчимиз бор эди.

Ҳар гал ота-онасини чакиртирсам, ўқувчим уларнинг узоқ вилоятданлиги, келишининг имкони йўқлигини айтиб келади. Бир кунни ота-онасидан бирининг келиши шарт эканлигини айтдим. Акаси келди, синглиси ҳеч бир мажлисни унга айтганини, агар айтганида, албатта, келишини таъкидлади. Унинг гапларидан ҳайрон бўлиб қолдик. Демак у ёмон баҳоларини уйдагиларидан яширган.

Кимдир боласининг тақдирига жиддийроқ қараб уни муваффақиятлар остонасига етакласа, кимдир болани койиш билан кифояланади холос.

Хўш, болани койиш нима ни ўзгартиради? Ўқитувчининг дардини ёки фарзанди ҳақидаги фикрларини эшитишга ота-она қачон вақт топаркин?!

Эрта-кеч сен учун яшайман, сен учун ишлайман, деб боласини кўз очирмайдиган ота-она, фарзанди учун таъминотчи эмас, балки унинг ютуғини, хурсандчилигини, ташвишини баҳам кўрадиган, қалб кечинмаларини тушунадиган, руҳий мадад берадиган энг яқин кишиси бўлмоғи лозим. Шундай эмасми?

**Матлуба ТУРСУНОВА,**  
**Қувандар ҲАКИМОВ,**  
**С.Сирождинов номидаги академик лицей ўқитувчилари**

Халқ оғзаки ижоди ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантириб, маънавий дунёсини бойитишда катта аҳамиятга эга. Ажойиб ҳикматлар, халқ мақоллари асрлар оша авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб, сайқал топиб бизгача етиб келган энг яхши, содда тарбия манбалари ҳисобланади.

Мақоллар халқ оғзаки ижодининг бир тури бўлиб, катта маъно-мазмун яширинган сўз ўйинидир. Уларда ажодларимизнинг орзу-умидлари, дунёқарашлари, ақл-заковати, тажрибаси ифодаланади. Халқ мақолларининг мавзу доираси

таълим-тарбия жараёнида берилаётган билимларни мустаҳкамлаб, уларни мустақил фикрлашга ўргатади, ўқиётган фанига қизиқишни янада оширади.

Бошланғич синфларда мақоллар дарснинг бошланишида ўқувчилар диққатини жалб этиш ва ўтилган мавзунини си-наш учун айтилса, дарс охирида янги ўргатилган материалларни қай даражада ўзлаштирганликларини билиш ҳамда ўқувчиларга ижодий дам бериш мақсадида фойдаланилади. Мақоллардан дарсларда самарали фойдаланиш

## Sinab ko'ring

бўлган қизиқишни янада оширади. Айниқса, мақолнинг шеърий мисраларда берилиши бола хотирасини мустаҳкамлайди ҳамда ўқувчи маънавий дунёсини кенгайтиришга ёрдам беради.

Мақолларни ҳар бир дарснинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда мавзуга мос, шунингдек, ўқувчиларнинг қизиқишлари, тушуниш салоҳиятларини ҳисобга олиб танлаш лозим.

# ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ:

## Билим ва маънавиятингизни бойитади

жуда кенг бўлиб, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, садоқат, дўстлик, меҳр-оқибат, касб-хунарни бўлиш, катталарга ҳурмат, ота-онани қадрлаш, камтарлик каби эзгу фазилатларни тарғиб қилишга қаратилгандир.

Ҳақиқий халқ донишмандлигини ифодалаган мақоллар йиллар мобайнида чархланиб, ихчам шаклга келган. Мақолларда ҳақиқат ва келажакка ишонч акс этади. Бу эса кичик ёшдаги ўқувчиларга жуда яхши таъсир қилади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларга таълим-тарбия беришда, айниқса, мақолларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Улар болаларга эстетик завқ бағишлаб, ақлий қобилиятини чархлайди. Мақоллар ўқувчиларга

ўқувчиларнинг шу фанга бўлган қизиқишини, фикрлари теранлигини оширишга хизмат қилади. Дарс жараёнида ўқувчилардаги руҳий чарчашни олади. Дарсларда бу услубдан кенг ҳамда ўз ўрнида фойдаланишнинг самараси катта.

Булбул чаманни севар,  
Одам Ватанини.

\*\*\*

Ёшлиқда ўрганган ҳунар,  
Ўзинга ўлжага қолар.

\*\*\*

Билимли киши ўзар,  
Билимсиз киши тўзар.

\*\*\*

Камтарга камол,  
Манманга завол.

Бундай мақоллар ўқувчилар диққатини жамлаб, мавзуга

Ўқувчиларни бундай ҳикматли сўзларни фақат ўқитувчилардан эмас, балки ота-оналаридан, бир-бирларидан, бадий китоблардан ҳам ўрганишга ундаш керак. Бунда улар мустақил изланишга, фикрлашга, китоб ўқишга, мақоллар юзасидан ота-оналари билан фикр алмашишга одатланадилар.

Демак, таълим жараёнида мақоллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантирибгина қолмасдан, балки уларнинг одоб-ахлоқига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, маънавий дунёсини бойитишга ёрдам беради.

**Бекпошша ШОМУРОВА,**  
**Хоразм ВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси**

Ҳар бир бола мактаб ёшига етгунга қадар боғчада ёки оилада чин маънода тарбияланмоғи лозим. Шунда у билим асосларини ўрганишга биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Руҳшуносларнинг кузатишича, ёшлик даврида ноқ илмий-психологик, фалсафий тарбияни тўғри олган бола идронининг ўткирлиги, софлиги, аниқлиги, ёрқинлиги, билишга қизиқувчанлиги, хотирасининг

ли воқеалар — ривожланаётган бола дунёқарашиди жуда муҳимдир. Шу жиҳатдан ҳам эртақларнинг сюжет тизимини ташкил этувчи воқеалар кўлами бир ёки икки воқеа асосига қурилади. Матнни ташкил этувчи ривоят аксарият ҳолларда диалогда ечилади. Рамзий мазмун бошқа (хайвонлар, қушлар, гуллар, дарахлар) образлар орқали талқин этилади. Мультфильм ва сериаллар эса фарзандингиз-

билан қараш кўникмалари шаклланади; — табиат билан, ҳайвонот дунёси билан инсонларнинг яшаш тарзи орасида уйғунлик борлигини, узилмас ришталар мавжудлигини англай бошлайди; — рамзий маъноларнинг ҳаётий талқинларини эртақлардаги оддий деталлар ёки тимсоллар ёрдамида мушоҳада қилишга ўрганади;

— нутқнинг содда ва мантикий бўлишини, ифодалилигини ўзлаштиради. Фарзандини жон-дилдан севадиган ота-оналар! Унутманг, болангиз учун ҳеч бир фильм сиз айтиб берадиган эртақнинг ўрнини босолмайди. Ҳозиргина сизнинг эртақингизни эшитиб болаларча беғуборлик билан ухлаётган фарзандингизни кузатиб ўтирган ҳолатингизни тасаввур қилинг-а! Болангиз жилмайганича ухлапти. Балки ҳозир айтиб берган эртақингиздаги мард, жасур қаҳрамонни тушида кўраётгандир?!

## Ta'kid

# ЭРТАҚЛАРДА ҲИКМАТ КЎП

мустаҳкамлиги, фикрчанлиги билан бошқалардан ажралиб турар экан. Бунда дидактик ўйинлар ва эртақларнинг аҳамияти катта. Айнан эртақлардаги қизиқарли сюжет, воқеалар ривожиди юз берадиган қутилмаган вазият, қаҳрамонларнинг кўтаринки руҳ бағишловчи жасорати, тадбиркорлиги, энг мушкул дамларда ҳам ақлий топқирлик билан ҳаракат қилишлари инсонни мафтун этади. Ҳикмат ҳам ёшлигимизда “Зумрад ва Қиммат”, “Кичкина уйча”, “Бўғирсоқ”, “Бўри ва эчки” каби эртақларни эшитиб катта бўлганмиз. Бироқ бугун баъзи ота-оналар болаларига эртақ айтишни унутиб қўйишди-ёв (ёки буни бекорчи иш сана-

нинг кўриш инстинктига таъсир қилгани ҳолда, эшитиш орқали тасаввурий дунёқарашини ривожлантирмайди. Бунга бир мисол: беш ёшли қизча ўзини кўтариб ухлашга олиб кетаётган отасига қараб, нега сиз мени кўтариб олиб келдингиз, сиз менинг йигитиммасиз-ку, деб жалов берди. Ана сизга сериалларингиз-у, мана мультфильмларнинг таъсири. Бундан кўринадики, эртақлар педагогик тарбиявий қимматга эга бўлиб, болани тўғрилик, эзгулик, жасоратли бўлиш, қатъиятлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш воситаси саналади.

Шундай қилиб, бола эртақ эшитганда ва ўқиганда: — ҳаётга ибрат кўзи

— нутқнинг содда ва мантикий бўлишини, ифодалилигини ўзлаштиради. Фарзандини жон-дилдан севадиган ота-оналар! Унутманг, болангиз учун ҳеч бир фильм сиз айтиб берадиган эртақнинг ўрнини босолмайди. Ҳозиргина сизнинг эртақингизни эшитиб болаларча беғуборлик билан ухлаётган фарзандингизни кузатиб ўтирган ҳолатингизни тасаввур қилинг-а! Болангиз жилмайганича ухлапти. Балки ҳозир айтиб берган эртақингиздаги мард, жасур қаҳрамонни тушида кўраётгандир?!

**Меҳринисо МИРЗАЕВА,**  
**Самарқанд вилояти Сибё педагогика коллежи она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

# МАРКЕТИНГ — ЭҲТИЁЖ ОРТИБ БОРАЁТГАН ФАН

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида мамлакатимизда билимли, етук мутахассисларга эҳтиёж катта. Кадрлардан ўзлари танлаган соҳанинг барча қирраларини мукамал ўрганиш талаб этилмоқда. Маркетинг эса айни кундаги “қайноқ” бозор иқтисодиёти шароитида ўрганилиш зарурати ортиб бораётган фанлардандир. “Маркетинг” сўзи “бозоршунослик” маъносини англатади. Унинг ўрганиш объекти ҳозирда ҳаракат, фаолиятда бўлган барча инсонлардир. Маркетинг, асосан, бозорни, харидор ва сотувчи, рақобатчини, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчини ҳамда бошқа инсонлар қатнашган барча объектларни ўрганади, уларга таъсир кўрсатади. Маркетинг қонун-қоидалари таъсир этмайдиган бирорта ҳам объект ёки субъектни бозор иқтисодиёти шароитида топа олмаймиз.

Хорижий давлатларда бу фан кенг миқёсда чуқур ўрганилади. Унинг усуллари аҳоли ўртасида оммалашган. Масалан, жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан бири Японияда “Маркетинг — бизнес фалсафаси” деган шiorнамо гап бор.

Мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқарувчилар, тижорат ва савдо ходимлари маркетинг қонун-қоидалари ва усуллари билан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Маҳсулот ҳаракати ва сотувни жонлантиришнинг усуллари, реклама, сотувни рағбатлантириш, айниқса, чегирма нархлар орқали ҳам даромадга эришилмоқда.

Республикаимиз таълим тизимида маркетинг фанига катта эътибор қаратилаётгани бугунги кун талабидир. Шу маънода жаҳондаги энг илғор давлатларнинг бу борадаги тажрибаси, назарий ва амалий кўникмалари, иш услубларини таълим тизимимизга жорий этиб, кенг қўллаш учун замин яратиш айни соҳадаги долзарб масалалардан биридир. Бу эса кадрлар ўз соҳасининг етук мутахассисларига айланиб, жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшишига, қолаверса, аҳоли фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Муҳаммадали НИЁЗОВ,**  
**Тошкент молия институти талабаси**



# БОШГА ТУШДИ, КЎЗ КЎРДИ

## КЎЧАДА ФАҚАТ ХАЙДОВЧИ АЙБДОРМИ?

Талаба эдим. Қоқ туш пайти бўлса-да, киши бирор нарсанинг соясида турса, совқотадиган, сояда турмаса, бадани қизиб кетадиган баҳор кунни эди. Якшанба бўлгани боис, курсдошларим билан келишганимиздек, университет майдонида футбол ўйнаш учун йўлга чиқдим. Чилонзор даҳларининг биридан университетгача тўғри йўналишли автобус бўлишига қарамай, негадир метро орқали боришни ихтиёр этдим. «Собир Рахимов» метро бекатигача пиёда борганда ўн дақиқали йўл. Керакли нарсаларни олиб, йўлга тушдим.

«Совластитал» кўшма корхонаси бинолари томонидан метрога кириш йўлаги яқинида галстук тақиб, шляпа кийиб олган бир киши писта ва бошқа майда-чуйда сотиб ўтирарди. Ҳар бир ўтишимда ҳайрон қолардим: шляпани бу киши нега галстук таққан, писта сотади ёки нима учун писта сотади, галстук таққан? Уни шу ҳолатда камида ўн марта кўрган чиқарман-ов. Балки ундан ҳам кўпдир. Билмадим. Лекин саволимга жавоб тополмасдим. Шу саволга жавоб излай-излай, 4-5 бекат йўл босиб кўйганимни сезмай қолардим гоҳида.

Бугун ҳам шундай бўлди. Метрога кунда-кунора тушган киши вагон эшикларининг қайси устун ёнида очилишини, манзилига етиб боргунча йўловчилар унчалик халал бермайдиган ўриндиққа жойлашиб олишни билиб қолар экан. Мен ҳам шундай қилдим ва дастлабки вагоннинг орқа эшигидан биринчи бўлиб кириб, ўнг томондаги уч кишилик ўриндиқнинг чеккасига жойлашдим. Ўтирдиму хаёлим ҳамон галстук таққан пистачида эди: нега шундай қилар экан у? Одат бўлиб қолганми ёки харидорни жалб қилишнинг усулими бу? Ҳарқалай, жавоб тополмасдим.

Ўйлай-ўйлай, манзилимга етиб келганимни сезмабман. Бекатдан юқорига кўтарилиб, гавжум кўчага чиқдим. Ҳали ҳам хаёлимда галстукли пистачи. Светофорга қарадим: пиёдалар учун қизил чироқ ёниб турибди. Машиналар камлиги боис трамвай бекати томон ўтиб кета қолдим. Трамвай тўхтаб турган эди. Олдини кесиб ўтиб, яна пиёдалар учун қизил чироқ порлаб турганига эътибор қилмай, кўчанинг нариги ёғига ўтишга чоғландим. Трамвайнинг олдидан ўтганим учун илғамай қолибман: «УАЗ» машинаси шундоққина яқинимдан, чамаси икки қарич олдимдан «шув» этиб ўтиб кетди-ёв. Тепа сочим тикка бўлди! Бирдан хаёлимдан галстукли пистачи ўтди. Шу тобда уни айбдор санадим. Ўзимни ўнглаб, кўчани кесиб ўтиш учун пиёдаларга йўл очилгач, нариги томонга йўналдим. Баданим қизиб кет-

гани боис йўл чеккасидаги дарахт соясида бирпас ўтирдим. Хаёлимни жамлаб, икки-уч дақиқа олдинги воқеани таллил қилишга киришдим. Кўлимдаги елимхалтани ерга қўйиб, обдон ўйласам, айбдор пистачи галстук таққан киши эмас экан. Сабабчи — ўзим эдим: светофорга амал қилмай кўчани кесиб ўтган галстукли пистачи эмас-ку!

Футбол ўйнашга ҳам бормай, уйга қайтдим.

Шундан буён ўйлайман: йўл ҳаракати хавфсизлиги нозирлари нега қизил чироқда йўлни кесиб ўтган ҳайдовчиларни жазолайди, алвон чироғу ерости ўтиш йўлини писанд қилмаган пиёда йўловчиларни жазолаш тугул, тергаб ҳам қўймайди? Ахир, йўл ҳаракати билан боғлиқ содир бўлаётган турли воқеаларда фақат ҳайдовчи айбдор саналмаслиги мумкин-ку!

Жон ширин эмасми, шу-шу, иложи борича йўл ҳаракати қондасига амал қилишга одатландим.

## АВТОБУСНИНГ ҚАЙСИ ТОМОНИ САНЖОБ?

Талабалик менга кўп нарса берди: шаҳарга келдим, ўқидим, ўргандим, ишга жойлашдим ва... жиндек бағритош бўлиб қолдим.

Метронинг дастлабки бекатидан вагонга чиқишда қайси томон холироқ бўлишини билиб, ўрганиб қолган киши автобуснинг бошланиш бекатига автоуловнинг орқа эшигидан кекса инсонлар деярли чиқмаслигини ҳам илғаб оларкан. Ҳатто ёз кунларида манзилга етгунча автобуснинг қайси томони соя бўлишини ҳам ҳисобга оларкан синчков ёш йўловчи.

Эрталаб ишга отланарканман, автобус бекатига боргунча камина ҳам шу жиҳатларни эътибордан соқит қилмасди.

Соя томондаги ўриндиққа жойлашиб олгач эса, ёнимда мендан ёши каттароқ йўловчилар тик турса-да, жой бўшатгим келмасди. Ҳатто ичимда

## Siz nima deysiz?



бемаъни, ўзни овутовчи саволлар бериб ташлардим ўша йўловчиларга: «Ёшингиз катта бўлса ҳам рўмол ўрамабсиз», «Дўппи киймабсиз», «Қариликни тан олмабсиз», «Ўйин-кулги деса, ёшсиз, автобусда жой масаласида эса, кексасиз»...

Тўғри, ёш болаларга, нуруний отахону онахонларга жой бўшатардим. Аммо бугун эслаб кўрсам, қирқ-эллик ёшлиларга унча-мунчага жой бўшатардим эканман.

Ишхонадан уйга қайтишда ҳам автобус бекатининг бошланишидан уловга чиққаним боис бу бағритошлик юққанмикан ё?

Анчадан буён бу одатдан воз кечишни ўйлаб юрардим...

## ИШХОНАДАН ТОПИҚИБ ЧИҚҚАНИМ ЯХШИ

Тунов кунни уйга кетишда автобусда яна ўзимдан ёши катта кишиларга жой бермадим.

Нега шундай-а?

Қачон ишхонадан бироз толиқиб чиқиб, уйга кетишда автобусдаги бўш жойга ўтирсам, кимларгадир жой бергим келади ва ўрнимни бўшатаман. Аксинча, унчалик толиқмаган пайтимда шундай ҳолат бўлса, нима учундир жой бўшатарман.

Кунларим шу зайлда ўтаверса, эртага фарзандларимга қандай тарбия бераман? Уларга қандай қилиб «Ўзингдан каттага ҳурматда бўл, шунда ўзингдан кичиклар олдида иззатда бўласан, транспортда ўзингдан катталарга жой бер», деб айта оламан? Айтган гапларимга ўзим амал қилмасам, болам менга қандай ишонади?

Бу ҳақда ўйлаб юрган кезларимда опам қишлоқдан қидириб келди. Акам яқиндагина қизчали бўлган. Дастлаб бизни кўрган опам билан биргалашиб уларникига боришга келишдик. Опам аёлим билан бозорга тушиб, чақа-

лоққа кийим оладиган, яқинда иккига тўладиган ўғлим иккаламиз акамникига тўғри бораверадиган бўлдик.

Автобус унчалик тиқилинч эмас, лекин бўш жой ҳам йўқ. Уловга чиқишдан олдин кекса кишилар ёки юкли одамлар автобусда бўш жой бўлмаганда, ёхуд бўшатишга жойга таклиф қилинганда (менимча) кўнглидан ўтказадиган фикрни бевосита ўзимда синаб кўришни ўйладим. Ўғлимни кўтариб чиқдим. Атрофимдаги бир-икки ўрта ёш ва кексароқ аёллар ёшларга биз учун жой бўшатишни таклиф қилишди. Ёшлардан бири ўрnidан кўзгалаётганда, мен рад этдим: «Раҳмат, икки-уч бекатдан кейин тушаман». Бу гапимни эшитган бир момо «Ўтира қолинг», деди. Унинг гапи замирида «Шунча бекатгача болани кўтариб бораверасизми?» деган савол бор эди. «Майли, раҳмат», дедиму бироқ ўтирмадим.

Ўтирмадикдан кўзлаган асл мақсадимни айтардим!

Билдимки, кекса кишилар ёки автобусга юк билан (айтайлик, ёш бола кўтариб) чиққан одамларнинг дили оғрир экан. Бу ҳолатни ўзимда синаб кўрганим боис бундан буён жамоат транспортда катталарга, айнқса, кексаларга ҳурматда бўлишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Чунки табиб — табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, деганлари шу бўлса керак-да.

## ТЕЛЕВИЗОРСИЗ ТУН

Шу пайтгача тилга олинган воқеалару ўтказган «тажрибам» ҳақида ҳеч кимга айтмагандим. Бугун мавриди келиб қолди.

Кеча ишдан чиқиб уйга борсам, хонадон чироқлари ҳар кунгидан ёруғроқ. «Бу ҳолатда лампочкалар куйиб қолади-ку», дедим укамга. Уйдаги чироқни ёқсак, даҳлиздагиси хиралашиб кетади. Даҳлиздагиси ўчирсак, ошхонадаги лампочка ёрилгудек ҳолатга келади. Бу аҳволда телевизор ёки совуткични қўшиш — хавфли. Бўлмади. Қўшнининг

эшик қўнғироғини босдим. Уларникида ҳам шу вазият. Уста чақирришга келишдик. Унинг ҳам иши кўп эканми ёки бошқа сабабими, ярим соатда келишни ваъда қилганча, кўринмади. Ноилоҳликдан совуткични ҳам қўшмадик, телевизорни ҳам кўрмадик.

Ўша тун мен севимли футбол жамоам иштирокидаги бевосита эфирга берилган ўйинни кўролмадим; хотиним миллий сериализмининг навбатдаги қисмини кўришдан бебаҳра қолди; меҳмонга келган жияним кўрсатувлар дастурида белгилаб қўйган фильмини кўришдан мосуво бўлди; ҳар оқшом «Хабарлар» информация дастурини кузатадиган укам ҳам шу кеча «тандирдан узилган мужда»ларсиз ўтирди.

Бу ҳолат барчамизга фойдали бўлди: ярим тунгача уйқум келмагани боис, бир чарақлаб, бир хиралашиб турган чироқ ёруғида анчадан буён варақланмаган азиз бир китобни кўлимга олдим; шундай ҳам мендан кўп китоб ўқийдиган укам ётган уйдаги чироқ ҳар тунгидан кўпроқ вақт давомида ўчмади. Унча-мунча китоб ёки газета-журнални 20 дақиқадан ортиқ фурсатда жавонга қўядиган ўғлимнинг онаси чамаси бир ярим соат китоб мутолаа қилишга вақт топди. Укамнинг айтишича, жиян ҳам бир неча журнални кўздан кечиришга ихтиёр этибди.

Эртаси кунни туш маҳалида хабарлашсам, қўшни хола яқиндагина монтер билан келиб, носозликни тузаттирганини айтишди. Мен ўйлаб қолдим: ойнаи жаҳонсиз ўтган бир кечада олган мароқли дамларимизни телевизор қурғур беролармиди? Балки бундан кейин ҳафтада бир ёки икки марта «телевизорсиз тун» ёхуд «телевизорсиз кун»ни ташкил қилишни ўйлаб кўрармиз? Балки, оилаларда ёш болалар учун «қўл телефонсиз кун» ёки «интернетсиз кун» ташкил этиш лозимдир, деган ўй ҳам хаёлимдан ўтганини яширмайман. Чунки бундай тадбирларнинг ҳам фойдаси бўлиб қолар, деб ўйладим-да.

## ЖАЙДАРИ ХУПОСА

Бешиқдан қадргача илм изла, деган ҳадис замирида бутун бир умр борлиги аён. Ушбу воқеаларни яна бир бор хаёл чиғиридан ўтказётганимда беихтиёр миямда шундай ўй чарх урди: ўтаётган ҳар бир кун, соат, сониянинг ҳам ўз ҳикмати бор. Уни ўз вақтда англаб, тўғри ва ибратли хулоса чиқариш фақат ўзимизга боғлиқ. Ҳаётдан ҳикмат излаб яшаш қанчалик ҳикматли.

Шу боис фақат яхши амалларни бажариб қолишга ҳаракат қилишимиз лозим экан.

Шерали НИШОНОВ



Китоб билим манбаи.



# ФАН ТАНЛОВИ

унинг самараси  
нимада?

Сўнги пайтларда бир тенденция кузатилмоқда: талабаларда ўқишга бўлган қизиқишни орттириш мақсадида танлов фанлар тизимига эътибор кучайтириляпти. Мана, масалан, Лента.ру манбасининг хабарига кўра, ўтган йили Украина таълим ва фан вазири Иван Вакарчук сентябрь ойидан мажбурий фанлардан ташқари ихтиёрий фанлар ҳам ўқув дастурига қўшилишини эълон қилди. Унинг айтишича, вазирликда мазкур фанлар рўйхатини тузиш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинган. «Биз ҳозирда ўқув дастурига 30-40та танлов фанини қўшиш ниятидамиз. У хоҳ иқтисод, хоҳ антропология бўлсин, талаба ўз хоҳиши, қизиқиши ҳамда келажакдаги режасига қараб у ёки бу фанни танлаш имкониятига эга бўлади», — деди бу борада вазир.

Шу билан бирга, танлов фанларини ўқув дастурига киритиш ёки киритмаслик олий таълим муассасаларининг ўз ихтиёрига берилган. Университет ва институтлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлар рўйхатини талабаларга ҳавола этади.

Ҳозирги кунда ушбу тизим Европа мамлакатларининг аксарият олий таълим муассасалари, АҚШ ҳамда Шарқнинг етакчи университетларида жорий этилмоқда. Хусусан, немис талабалари фан танлаш билан бирга ўқув дастурини ҳам ўзлари тузадилар. Бугун Германиянинг деярли барча университетларида «академик озодлик» принципи қабул қилинган. Университетларда аниқ тузилган дарс жадвали мавжуд эмас. Лекин ҳар бир йўналиш бўйича бир нечта танлов фанлари бор. Улар 5тадан 10тагача бўлиб, талаба ушбу фанлардан тенг ярмини танлаши шарт.

Испанияда эса фанлар ўқиш пайти эмас, кириш имтиҳонларини топширишдан олдин танланади. Мамлакатда абитуриентларнинг энг муҳим имтиҳони ҳар йили июнь ва сентябрь ойлари охирида бўлиб ўтади. Бўлажак талабалар икки тилдан (испан ва бошқа чет тили), иккита мажбурий ҳамда иккита ўзи танлаган фандан (соҳага қараб гуманитар ёки техник) имтиҳон топширади.

Бундай «эркинлик»нинг нодатий, ҳатто, ноқулайлик жиҳатлари ҳам бўлиши табиий. Айни пайтда бундай тизим ҳам ишлаш, ҳам ўқиш истагида бўлган талабалар учун жуда қулай. Бироқ, билим олишдан бошқа иши бўлмаган талабалар учун бу каби эркинлик дангасаликка, ўқишга нисбатан жиддийликнинг йўқолишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Сўнги йилларда Хитой Халқ Республикаси жадал ривожланиб, иқтисоди энг барқарор давлат сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур мамлакатнинг таълим тизими билан бе-

восита танишиш имконига эга бўлганим сабабли, уларнинг олий таълимида ўзига хосликлар мавжуд, деб айта оламиз. Қарангки, бу ерда ҳам танлов фанларини аниқлаш талабаларнинг ихтиёрида экан.

Ҳозир Хитойдаги Ланжоу

## Xorijda ta'lim

университетида ўқиётган юрдошларимизнинг айтишича, даставвал уларнинг ушбу давлат дарс жадвалига кўникишлари бироз қийинроқ кечган. Негаки, бу ерда дарслар эрталаб 9:00дан кечки 21:00гача давом этади. Бу, аслида, кунига ўн икки соат ўқиш билан машғул бўлиш дегани эмас, албатта. Хитойда талабалар сони кўп бўлгани сабабли дарслар ҳар хил вақтларга қўйилган. Масалан, кунига бта дарс қўйилган бўлса, бири эрталаб, иккинчиси пешин соат 3:00дан, яна бошқаси кечки соат 18:00дан бошланиши мумкин.

Университетда талабалар-

нинг дарсга қатнаши назорат қилинмайди. Илк сабоқданоқ ўқитувчи талабанинг дарсга мунтазам қатнаши мажбурий эмаслиги, талаба мустақил шуғулланиши ҳам мумкинлигини тушунтиради. Боиси, баъзи талабаларнинг маълумот қабул қилиш, айрим мавзуларни мустақил ўқиш, тушуниш қобилияти тенгдошлариникидан баландроқ бўлиши мумкин. Шу сабабли, ҳар сафар вақтини «бекорга сарфлаши» унга фойдали эмас.

Жорий йилда университет раҳбарияти 100га яқин танлов фанлари рўйхатини эълон қилди. Такрор бўлса-да, таъкидлаймиз: 100га яқин.

Биз танлов фан деганда мутахассислик фанларини назарда тутишга ўрганиб қолганмиз. Ammo, мазкур давлатда нафақат йўналишга яқин фанлар, балки унга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган фанлар ҳам танланиши мумкин. Бир семестр учун кўпи билан иккита фан танлаш рухсат этилган ва ҳар бирига алоҳида баллар ҳисобланади. Ўқиш тугагунга қадар,

яъни тўрт йил давомида мазкур фанлардан йўналишга қараб муайян миқдорда балл йиғиш кўзда тутилади. Акс ҳолда, талаба диплом ҳимоясига киритилмайди. Фанларнинг муҳимлигига қараб, унга

ажратилган балл ҳам шунча баланд бўлади (энг юқориси 4 балл).

Куйида солиштириш учун баъзи фанлар рўйхати ҳамда уларга ажратилган балларни келтириб ўтамиз.

Чет тиллар (инглиз, испан, француз, хитой, рус тиллари)	4
Адабиёт (жаҳон, Европа, Шарқ, Америка)	4
Европа, Хитой, Америка маданиятига кириш	4
Миллий хизмат	3
Косметология	1
Ўқиш ва уқиш	3
Фарб мусиқаси тарихи	2
Информацион билим ва диссертация ёзиш	2
Кимё ва жамият	2
Ҳаёт илмига кириш	3
Одам анатомияси ва физиологияси	3
Ботаника ресурслари	2
Жисмоний тарбия	1
Тез тиббий ёрдам	2
Тўғри овқатланиш ва кун тартибини туза билиш	1
Балогат ёши хусусиятлари ва педиатрия	1
Наркомания ва ҳаёт	2
Стоматологик эстетика	2
Фалсафа	2
Психология	3
Информатика	3

Таъкидлаб ўтиш жоизки, талабалар танлови кўпинча у ёки бу фанга берилган балга боғлиқ. Фақат бир баллик, бошқача айтадиган бўлсак, осон фанлар танланса, ўқиш тугагунга қадар йиғилган балл етарли бўлмайди. Фанлар бир-биридан тубдан фарқ қилгани сабабли, талабалар танлаган йўналишидан чалғийди, деган қарашлар ҳам мавжуд. Талаба-ёшларнинг кўп нарсга қизиқишлари табиий. Шу боис, ихтисослашувдан йироқлашмаслик мақсадида университет раҳбарлари мутахассисликка бевосита боғлиқ бўлган фанларга каттароқ балл ажратган, қолганларига эса аксинча.

СУМАНСО

## КЎНГИЛДАГИДЕК ПАРВОЗ

Куёш батареяларида ишловчи «Солар Импульс» самолётининг узок вақтга мўлжалланган биринчи парвози муваффақиятли якунланди, деб хабар берди «24 Херус» нашри.

Учувчи Маркус Шерделем бошқарувидаги бир ўринли ҳаво транспорт воситаси бир соатдан ортиқ вақт мобайнида кўкдаги ишончли ҳаракатлари билан минглаб мухлисларни ҳайратга солди.

Қанотларининг узунлиги 63,4 метр, оғирлиги 1,6 тонна бўлган «Солар Импульс»нинг конструктори Бертран Пикар ўз ижод маҳсули синовини махсус вертолёт бортида кузатиб, керакли хулосаларни ёзиб борди.

«Ушбу тажриба анчадан бери ноқулай об-ҳаво шароити туфайли кечкириб келинаётганди. Ниҳоят, биринчи катта довондан ижобий натижалар билан ўтиб олди», — деди олим хурсандчилигини яширмай.

Ушбу самолёт ёрдамида 2012 йилга келиб сайёра бўйлаб саёҳат уюштириш режалаштирилган.

Россиядаги Федерал тиббий-биологик маркази ходимлари вояга етмаган болаларни уяли алоқадан фойдаланмасликка чақирди.

## БОЛАЛАРНИ «СОТКА» ДАН АСРАНГ

Ташкилот ходими профессор Юрий Григорьев ушбу фикрни ўсиш даврини бошдан кечираётган бола мияси электромагнит нурланишдан жиддий зарар кўриши билан асослади.

Санитария меъёрларига кўра, 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар мобил апаратларни ишлатмасликлари тавсия этилади, ammo бугунги кунда ушбу қоидаларга ҳамма ҳам риоя қилмаяпти.

Бола қанча ёш бўлса, бу борадаги хавф шунча юқори даражага кўтарилди. Тадқиқотларга қараганда, ёшлигида уяли алоқадан мунтазам фойдаланган ва бугунги кунда 20—23 ёшга кирган кишилар миясида ўсимта пайдо бўлиш хатари кўпаяр экан.

«Сотка»ни кундалик ўйинчоғига айлантирган болалар организмидagi ўзгаришлар бўйича кўплаб изланишлар олиб борилган. Уларнинг асосий қисмида асаб тизими зарарланиши ҳақида гап боради», — дейди мутахассислардан бири.

Юқорида номи келтириб ўтилган марказ болаларни салбий оқибатлардан асраб қолиш борасида иккита таклифни илгари сурмоқда. Биринчиси, симсиз телефонда иложи борича камроқ гаплашиш бўлса, иккинчиси трубкани бошдан узокроқда ушлаб туриш



ёки симли қўшимча қурилмалардан фойдаланиш, деб хабар берди «Новости» АА.

## ЧЕКИШ ТАФАККУРГА ҲАМ ЗАРАР


Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти чекадиган ёшларнинг ақлий салоҳияти бошқаларга нисбатан паст бўлиши ҳақида плакат чиқарди.

Бундай маълумот тарқатишда исроиллик психолог Марк Вайсер бошчилигидаги олимларнинг хулосалари асос бўлди. Бу борада 18 ёшга тўлган 20221 нафар аскар ўртасида ўтказилган сўров катта ёрдам берди.

— Чекувчиларнинг кўпчилиги қисми қийин шароитда вояга етган ёки етарли даражада таълим олмагани аниқланди, — дейди профессор Вайсер.

Кунига камида битта тамаки «тута-тадиган»лар 28,5 фоизни ташкил этиб, уларнинг интеллектуал коэффициентлари чекмайдиганларга нисбатан пастроқ экани маълум бўлган. Кунига бир қутидан кўпроқ сигарет чекадиганларнинг бу борадаги кўрсаткичи янада ғариб экан.

Изланиш якунлари «Эддикшн» журналида чоп этилган.



## ЗУМРАД ОРОЛ — ҚЎРИҚХОНА МАРКАЗИ

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Хинд океанида дунёдаги энг катта сув қўриқхонаси (акватория)ни ташкил этишини маълум қилди. Аквадория майдони 554 минг кв.км.ни ташкил этиб, унинг худудида балиқ овлаш умуман тақиқланади.

Унинг раҳбари таниқли эколог Жей Нельсон бўлади, деб хабар берди news.sciencemag.org.

Ўзининг маржон қоялари билан ма-



шхур Чагос архипелаги қўриқхона маркази бўлади. Улкан сув ҳавзаси бағридан жой олган мазкур зумрад оролда 55 турдаги денгиз қушлари, тошбакаларнинг камёб турлари ва йирик қисқичбақалар ҳаёт кечиради.

Бугунги кунгача ушбу худудда ноқонуний балиқчилик, ақула овлашнинг, денгиз бодрингларини йиғиштириб олиш ҳолатларининг кучайиши худуд табиатига салбий таъсир қилаётганди.


Яқин кунларда Нельсон ва унинг ҳамкасблари ана шу кўнгилсизликларнинг олдини олишга киришади.

## «АҚЛЛИ ДОРИ»

Океан орти олимлари бемор дорини ўз вақтида қабул қилгани ҳақида хабар бериб турувчи капсулани яратди, деб маълум қилди «Физорг» манбаси. У бир гуруҳ Флорида университети тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган.

Бундан олдинги тадқиқотлар сурункали касалликларга йўлиққан беморлар шифокор томонидан тайинланган дори-дармонларнинг фақат ярмини қабул қилишини кўрсатди. Шу сабаб ҳам мутахассислар даволаниш жараёни белгиланганидек кечаётганини назорат қилиш мақсадида изланиш олиб борган. Натижада, ҳажми оддий дори билан тенг микрочип яратилди. Қурилма ташқи томонига кумуш зарралари жойлаштирилган ингичка чизиқли капсула (ҳалдори) шаклида. Чизиқлар эса антенна вазифасини бажаради. У кумуш нанозаррачаларини ўтказадиган металл тўр ва сигнални қабул қилувчи ташқи қурилмадан иборат. Бемор капсулани қабул қилганда, ускуна жуда паст кучли электр импульсларни ишлаб чиқади. Микрочип уларни сигналга айлантириб, антенна орқали шифокорнинг мобил телефони ёки ноутбукка уланган ташқи қурилмага узатади. Дори қабул қилинган ҳақида сигнал узатилганидан сўнг капсула эриб кетади, микрочип бўлса организмдан чиқариб юборилади.

Таъкидланишича, янги турдаги дори нафақат шифокор учун бемор ўз вақтида дорини ичганини билишга имкон туғдиради, шунингдек, тиббиётдаги мазкур янгилик турли касалликларга қарши дори-дармонларнинг самарадорлигини текширишда ҳам қўл келади.



## КУМУШРАНГ БУЛУТЛАР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Германия ва АҚШ олимлари вақти-вақти билан осмонда кузатиладиган кумушранг булутлар бўйича қатор изланишлар олиб боришди. Улар мазкур турдаги атмосфера ҳодисалари ҳар 27 кунда пайдо бўлишини аниқладилар, деб ёзади «Нью Сайентист».

Булутлар кузатиладиган 27 кунлик вақт оралиғи Куёшнинг ўз ўқи атрофида айланиш цикли билан тўғри келиши мутахассислар томонидан аниқланди. Уларнинг фикрича, ушбу икки ҳодиса ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, бунинг натижасида ультрабинафша нурулар оқими вужудга

келади. Улар эса ўз навбатида атмосферадаги сув молекулаларини кўпайтириб, кумушранг булутларнинг шаклланишига қулай шароит яратади.

Аслида кумушранг булутлар сайёраимизнинг ҳар иккала яримшарида ёз ойларида 76-85 километр баландликда кузатилади. Қизиқ томони шундаки, уларни фақат оқшом пайти, булутлар уфқ томондан нурланиб турганида сезиш мумкин, холос. Мазкур табиат ҳодисаларининг мутахассислар эътиборига тушганига кўп вақт (50 йил ҳам) бўлгани йўқ. Шу боис уларнинг баъзи хоссалари ҳалигача аниқланмаган. Жараёнда олимлар Европа космик агентлиги ҳамда АҚШ океан ва атмосфера тадқиқотлари миллий бошқармаси сунъий йўлдошлари орқали олинган маълумотлардан фойдаланган.



## БАҲОРИСТОН ВОҲАСИ ТОПИЛМАСИ

Миср археологлари гипсдан ишланган қадимий тобут ичидаги мўмиёни топилди, деб маълум қилинди «Сайнс» илмий журналида. Ҳажми бир метрга тенг саркофаг(тобут)да юнон-рум кийиниш аъналарига мос равишдаги уст-бошда бўлган мўмиёланган аёл устихони борлиги аниқланди. Топилма 2300 йил олдинги даврга тегишли эканини мутахассислар таъкидлашмоқда.



— Қатор тадқиқотлар мўмиё аёл эканига шубҳа қолдирмади, — дейди кўҳна маданият ишлари бўйича Миср Олий кенгаши раҳбари Захи Ҳоввосс. — Фақат тобут ҳажмининг кичиклиги бир қанча саволларни юзага келтирмоқда. Эҳтимол бу инсоннинг бўйи паст бўлганидандир. Яна бир таҳминга кўра, бу ўсмир қизча устихони ҳам бўлиши мумкин. Навбатдаги изланишлар ушбу масалаларга ойдинлик киритиши кутиляпти.

Шу билан бирга, қазилма ишлари пайтида тўртта илоҳ тасвири туширилган олтин тахта, гипсдан ясалган ниқоблар, сопол ва шиша идишлар ҳам топилган. Мазкур топилмалар Баҳористон воҳасида аниқланган бўлиб, у Қоҳирадан 300 километр жануби-ғарбда жойлашган. Бир неча йилдан бери ушбу ҳудудда қурилиш ишлари олиб борилмоқда ва бугунга келиб жами 14та сағана топилган.

## ЭНГ ЯХШИЛАР НОМИ МАЪЛУМ

Қатор Европа мамлакатларида энг яхши ва қулай автоуловлар танлови ташкиллаштирилмоқда. Хусусан, Россияда ҳам 22 номинация бўйича «Йил автомоби» миллий мукофоти совриндорлари аниқланди. 10 йилдан буён ўтказилиб келинаётган мазкур танловда мамлакатнинг 5000та шаҳар ва аҳоли пунктдан жами 450 мингга яқин қатнашчи иштирок этди.




Шундай қилиб, «Шаҳар автомобиллари» йўналишида «Пежо-107» машинаси голиб бўлди. Франция маҳсулоти бўлган мазкур автомашина, мана, уч йилдири, биринчи ўрин соҳиби бўлиб келмоқда. «Кичик класс машиналари» йўналишида «Вольксваген Поло», «Кичик-ўрта класс машиналари» орасида «Вольксваген гольф» энг яхши, деб топилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, бу машина «Йилнинг энг яхши машиналари — 2009» жаҳон танловида ҳам биринчиликни қўлга киритган эди. «Ўрта класс машиналари»да эса «Тойота Авенсис» олтин совринга эга бўлди. «Бизнес-класс» орасида «Мерседес-Бенц Е-Класс», «Энг ишончли автомашина» сифатида ҳам айнан шу машинанинг «С-Класс» маркаси топилди. Элит номинацияси «Премиум класс» йўналишида «Бентли Континентал Флайинг Спер» голиб бўлди.

## АФСОНА-ЭШИК

Миср археологлари Луксор яқинидаги Қарноқ ибодатхонаси мажмуасида олиб бораётган қазилма ишлари вақтида эшик рамзи туширилган, гранитдан ишланган ёдгорлик тошини топди. Олимларнинг фикрича, қадимда мисрликлар мархумлар руҳи мазкур эшик орқали нариги дунёга кетади, деб ҳисоблашган. Бу ҳақида мамлакатнинг кўҳна маданият ишлари бўйича Олий кенгаши матбуот хизмати хабар берди.

1,75x1x0,5 литр ҳажмдаги эшик эраимиздан аввалги XVI—XV асрлардан қолгани аниқланди. Унинг ҳамма томони диний мавзудаги матнлар билан тўлдириб ёзилган. Мутахассис Мансур Борайкнинг сўзларига қараганда, мазкур ёдгорлик Луксордаги мақбарадан топилганига қарамай, у аслида илгари римлик археологлар томонидан аниқланган. Кейинчалик Миср ҳудудидаги бинони қуришда ундан фойдаланилган.



## «СУЮҚ ОЙНА» ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

«Дэйли телеграф» маълумотларига кўра, яқин орада олимларнинг янги ихтироси бўлган бактерия ва ультрабинафша нуруларидан ҳимояловчи «суюқ ойна» кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.



«Суюқ ойна»нинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат инсонни турли юқумли касалликлардан ҳимоялайди, балки ўсимликларнинг ҳам касалланишининг олдини олади. Қолаверса, у атроф-муҳит учун зарарсиз ҳисобланади. Боиси, янги турдаги ойна тоза кремний диоксидидан ташкил топган бўлиб, қалинлиги 100 нанометрли ҳаво ўтказувчи қатлам билан ўралган.

Янги ихтирога бериладиган патент «Нанопул» компаниясига тегишли. Эътиборлиси, қатор тажрибаларда «суюқ ойна»нинг юза қисми тозаланганида у кучли оқартирувчи воситалар таъсирида ҳам ўз кучини йўқотмаган.

**Наргиза РУСТАМБЕКОВА, Шаҳина ЖЎРАЕВА ва Назокат МУҚИМОВА тайёрладилар.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилшодахон Дадажонов вага опаси, меҳнат фахрийси  
**Юлдуз СОҲИБОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

«Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари жамоаси тахририят масъул ходими Тоҳир Салимовга волидаи муҳтарамаси  
**Салима ая САЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

## БОЛАЛИКДАГИ ТЎҒРИ УЙҚУ МУҲИМ

Кичик ёшда ўз вақтида дам олмаган болалар ҳаётининг кейинги босқичида қатор кийинчиликларга дуч келади. Аниқроғи, улар алкоголь ичимликлар ва наркотик моддаларга бошқа тенгдошларига нисбатан кўпроқ ружу қўйиши мумкин экан. Мазкур хулосани Айдахо (АҚШ) штати университети илмий ходимлари тақдим этишди, деб ёзади «Дэйли мэйл» газетаси.

Тадқиқотчилар изланишлар давомида 386 нафар ўсмирнинг юриш-туришини кузатган. Натижалар болаликдаги нотўғри уйқу кейинчалик спиртли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда машинани бошқариш, тамаки чекиш ва ҳаттоки хотиранинг йўқолишига ҳам олиб келиши эҳтимолдан холи эмаслигини кўрсатди. Шунингдек, агар болалар безовта уйқуни 3—5 ёшлигида кечиринган бўлса, худди шу ҳолат ўсмирликда, яъни 11—17 ёшда ҳам кузатилади экан. Бунда 18—21 ёшга етганидан сўнг ўғил болалар ўртасида тамаки, гиёҳванд моддаларга қизиқиш, қизларда алкогольга мойиллик пайдо бўлиши мумкин.




Шундан келиб чиққан ҳолда, мутахассислар болаларни уларга ҳаётининг зарур уйқудан маҳрум қиладиган ёки қалғитадиган телевизор, мобил телефонлари ва компьютерларнинг ётоқхонада бўлишига қатъий қарши чиқишган. Тўғиб ухламаслик, айниқса, кичик ёшда фикр ва диққатни жамлай олиш қобилиятини сусайтиради, характер шаклланиши ҳамда билим олишда муаммоларга олиб келади. Болаларнинг организми меъерий даражада фаолиятда бўлиши учун камидан 10 соат ухлаши талаб этилишини ҳам тадқиқотчилар алоҳида таъкидлашмоқда. Қолаверса, тадқиқот кичик ёшдаги болалар ярим тунгача уйқу ўрнида бўлса, бу улардаги масъулият ҳиссини оширишини ҳам кўрсатди.

## ОГОҲЛАНТИРУВЧИ ТЕЛЕФОН

Мухандис Сергей Кейкир эшитиш қобилияти паст кишилар учун мўлжалланган, кутилмаган вазиятларда олдиндан хабардор қилувчи махсус мобил телефонни ихтиро қилди. Бу ҳақида sciencedaily.com электрон манбаси эълон қилди.

Мутахассис анчадан буён эшитиш қобилияти суст кишилар учун фойдали, шу билан бирга, уларни зарур пайтда огоҳлантирувчи алоқа воситасини яратишни ният қилганди. Бунинг учун у хавфли ҳодисалар содир бўладиган вақтда титраб ёки ўчиб-ёнадиган сигнал билан телефон эгасини огоҳлантирувчи радиоқурилма ишлаб чиқди.



Қурилма ихчам тухумсимон шаклда, дисплей бўлмаса ҳам унинг сигнали жуда тез етиб боради. Телефон бошқа барча уяли алоқа воситалари сингари қувват олувчи ускунага эга. Қўшимча қувват манбаи батарея ҳам бўлиб, унинг ёрдамида телефон соат сифатида ишлатилиши мумкин.



# ШОГИРД КАМОЛИ — УСТОЗНИНГ ФАХРИ

— Шундай инсонлар борки, уларнинг билиб-билмай қилган оддийгина яхшилиги кези келиб ҳаётингизда катта бурилиш ясаши мумкин, — дейди Ҳамидулла Назаров қалби тўридаги инсонлар сиймосини кўз олдига келтириб. — Умрининг олтин фаслини бизга бағишлаган меҳридарё устозларимнинг панду насиҳатлари ҳали ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Бизни ўз бола-сидек кўриб, тўғри йўлни кўрсатди, илм-фанга қизиқшимизни уйғотди.

Ҳа, устозлар бор эканки, бугун орамизда эл суйган, ардоқлаган инсонлар, ўз соҳасининг усталари кўп. Айниқса, шогирдининг эл оғзида мақтовлар билан тилга олиниши, устозининг қувониб «Шу болани мен ўқитганман-да», дея ғурурланиб қўйиши — бунинг завқи бошқача!

Бир пайтлар Тошкент шаҳридаги 112-мактабнинг математика ўқитувчиси Олим Ҳўжаев ҳам шогирди — Ҳамидулла Назаровнинг Киев давлат университетини тамомлаб қайтганида ана шундай фахр ҳиссини туйган эди.

Ҳамидулла Назаров 1940 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатгач, қобилият ва қизиқишини пайқаган устози ҳамда ота-онасининг маслаҳати билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети)нинг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Бу даргоҳни ҳам имтиёзли тамомлади.

— Ўқитувчилик касбини танлаб кам бўлмадим, — дейди кўплаб иқтидорли шогирдларга таълим-тарбия бериб келадиган устоз Ҳамидулла Назаров. — Тўрт йил Жазоирнинг Бумердес шаҳридаги нефть, газ ва химия институтида профессорлик вазифасида ишлаб, Ўзбекистонга қайтгач, кадрдон университетимдан йироқлашма-

дим. 10 йил физика-математика факультетида талабаларга хориждан олган сабоқларимни ўргатдим.

Ҳ.Назаров 2001 — 2004 йиллари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бош бошқарма бошлигининг муовини, 2004 — 2009 йиллари Давлат тест марказида бош эксперт лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ҳозирги кунда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш мар-

## Ehtirom



казида бўлим бошлиғи муовини лавозимида ишлаш билан бирга таълим олган институти билан бир зум ҳам алоқасини узгани йўқ. «Геометриядан масалалар тўплами» (1 ва 2-қисм) дарслигини яратишда фидойилик кўрсатди.

— Оиламизни ўқитувчилар оиласи десам янглишмайман, — дейди устоз. — Фарзандларимдан икки қизим ҳам ота касбини азиз тутиб, изимдан келаяпти. Қолаверса, турмуш ўртоғим ҳам шу соҳанинги эгаси эди. Қизларим билан мулоқотларимизнинг аксарияти ўқитувчилик масъулияти, роҳату машаққати ҳақида бўлади. Уларга бир гапни бот-бот такрорлайман: ўз устида меҳнат қилган ўқитувчигина эр-

## Ҳурматли Ҳамидулла НАЗАРОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан самимий табриклаймиз. Моҳир педагог, жонкуяр устоз сифатида ўз тажрибаларингизни ҳамкасбларингизга, шогирдларингизга ўргатиб келмоқдасиз. Сизнинг ҳаёт ва меҳнат йўлингиз барчамизга ибрат.

Талаба-ёшларга бой илмий меросни ўргатиш, ўқув-илмий қўлланмалар яратиш ишида ҳам фаол иштирокингизни қадрлаймиз. Чин инсоний фазилат соҳиби сифатида ёшларга ўрнак бўлиб келмоқдасиз. Сизга келгусидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз. Шогирдларингиз ва фарзандларингиз камолини кўриб юринг.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси.

тага билимли ўқувчиларни тарбиялай олади.

Бу сўзлар шунчаки айтилган гаплар эмас. Негаки, чиндан ҳам машаққат чекиб қилинган меҳнат эртага албатта ўз мевасини беради. Бунга устозга ҳавас қилиб шу соҳани танлаган иқтидорли шогирдларнинг камоли мисол бўла олади.

— Таълим соҳасининг бошқарув жараёнларида устознинг тажрибасига қулоқ тутдим, — дейди сўзимизни тасдиқлаб Олий ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори, профессор Мамаражаб Тожиев. — Сабаби, устозимиз ҳамма вақт шогирдлари билан суҳбатдош, ҳамфикр бўлган. Айниқса, у кишининг камчиликларимизни айтиб, тўғри йўлни кўрсатиши жамиятда ўз йўлимизни тўғри танлашимизда ёрдам берди.

Ўқитувчилик — шарафли касб. Шу билан бирга масъулиятли ҳамдир. Зотан, Халқ таълими аълочиси, Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси Ҳамидулла Назаров каби маориф жонкуярлари бор экан, уларнинг шогирдларига берган таълим-тарбияси ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Хулқар РАҲАБОВА,  
«Ma'rifat» мухбири



Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси.

Одатда инсон умри қанча яшаганида эмас, балки унинг нима-ларга эришганлиги ва қай даражада мазмунли ўтганлиги билан ўлчанади. Шундай инсонлар бўладики, ҳаётда қисқа умр кўрса ҳам ёниб-жўшиб, жамиятга наф келтиришни дилига тугиб, самарали меҳнат қилади.

Саломат Ўтамалиева ҳам гарчи қисқа умр кўрган бўлса-да, уни халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиб ўтказган таълим фидойиларидан биридир, дейиш мумкин. Тошкент

## Xotira — muqaddas



дастурининг амалда бажарилишини замон талаби, деб тушунган педагог умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасалари ўқитувчи ва тарбиячиларини режа асосида малака ошириб боришини таъминлади. Шаҳар ва туман ХТБ методика хоналари малакали мутахассислар билан бойитилди. Вилоят мактаб ўқувчиларининг республика фан олимпиадаларида-

# ҚАТЪИЯТ — САБОТ САБОҒИ

давлат чет тиллар институтининг (Ҳозирги ЎзДЖТУ) француз тили факультетини тамомлагач, у ўз иш фаолиятини дастлаб Фаллорол туманидаги 24-мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Тиниб-тинчимас муаллима қисқа вақт ичида мутахассислиги бўйича билимдон ва ташкилотчи эканлигини кўрсатиб, жамоада ҳурмат-эътибор қозонади. Саломат опанинг дарс ва машғулотларни махсус хоналарда ўтиш, техник восита ва кўргазмалардан унумли фойдаланиш ташаббуси билан чиқиши натижасида хорижий тиллар фан хоналарининг қайта жиҳозланишига эришилди. Деворий газеталарнинг таъсирчанлиги оширилди. У хорижий тиллар услуббирлашмаси раҳбари сифатида илғор педагоглар тажрибасини оммалаштириб борди.

С.Ўтамалиева 2002 йилдан Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасида услубчи, вилоят Таълим маркази директори ўринбосари, 2006 йилдан то умрининг охиригача эса марказ директори вазифасида самарали меҳнат қилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий

ги иштироки аввалги йилларга қараганда анча ортди.

Халқ таълими вазирлигининг тавсияси билан Германия давлатида малака ошириб қайтган С.Ўтамалиева вилоятда бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши мактаби», «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», каби танловларнинг юқори савияда ўтишига бсш-қош бўлди. Бунинг самараси ўлароқ 4 нафар вилоят ўқитувчиси республика голиби, 5 нафари эса совринли ўринларни эгаллади. У ҳамкасблари Олимжон Аввалбоев, Абдурахим Султонов билан юзлаб дарс ишланмалари ва услубий тавсияларни ишлаб чиқиб, туман ХТБга тақдим этди.

С.Ўтамалиева вилоят халқ таълими бошқармаси Таълим марказида фаолият бошлаган илк қалдирғочлардан эди. У кўшни вилоят Таълим маркази раҳбарияти билан ҳам узвий ҳамкорлик қилиб, ўзаро тажриба алмашиб боришни йўлга қўйди. Республика Таълим марказидаги ҳам унинг изланувчан ва ташкилотчилигини гоёта қадрлар эди. Ўйлаймизки, фидойи педагогнинг ёрқин хотираси ҳамкасблари ёдида бир умр сақланади.

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти

Бўз тумани халқ таълими бўлими қошидаги «Нуроний устоз» жамоатчилик маркази ўз фаолиятини истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаган. Мана, 19 йилдирки, «Нуроний устоз» бўзлик халқ таълими фахрийларининг ишончи ва таянчи бўлиб келмоқда. Марказ томонидан тумандаги халқ таълими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, фахрийларнинг қимматли ўғит ва тажрибаларини ёш муаллим ва мураббийлар орасида тарғиб қилиш борасида анчагина ибратли ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда марказ ҳисобида 363 нафар халқ таълими фахрийси бўлиб, улар ҳар дақиқада ўзларининг яқин кўмакчиси ва маслақдоши борлигини ҳис қилиб турадилар. Марказ раҳбари Турғунбой Тўйчиевнинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, фахрийлар кўнглига йўл топа олиши туфайли ушбу жамоа Андижон вилоятидаги энг яхши марказлардан бирига айланган.

— Марказимиз ҳисобида турувчи халқ таълими фахрийлари кўмағи билан кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди туман ХТБ мудир Фахриддин Кўзиев. — Фахрийларимиз мактабларда ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини яхшилаш, ёш муаллимлар маҳоратини ошириш, ота-она-

# «НУРОНИЙ УСТОЗ» — КЎМАКДОШ

лар билан ишлашда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Дарҳақиқат, Бўзда ҳар ойнинг биринчи санаси «Фахрийлар кунини» деб белгиланган. Шу кунини халқ таълими фахрийлари мактаб, боғча ва таълим муассасаларига бориб, таълим-тарбия ишларига яқиндан ёрдам берадилар. Камчилик, нуқсонларни бар-тараф этиш, ҳужжатлар пухталигини таъминлаш, ёш муаллимлар маҳоратини ошириш «Фахрийлар кунини»да амалга ошириладиган асосий ишлар сирасига қиради. Тумандаги 24та умумтаълим мактаби, 24та болалар боғчаси ва бошқа таълим муассасалари фахрийлар кўмағидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Марказнинг яна бир ибратли иши ҳар йили мамлакатимиздаги муқаддас қадамжоларга фахрийларнинг саёҳатлари уюштирилаётганидир. Бу аъёна тусига кирган бўлиб, фахрийлар бундан жуда мамнун.

— Саёҳат, албатта, катта маблағ талаб этади, бу масала қандай ҳал этилган? — дея сўрадик марказ раҳбари Турғунбой Тўйчиевдан.

— Биласизми, эзгу иш бошласангиз, ҳеч ким четда тургиси келмас экан, энг аввало, туман ҳокимлиги ёрдам беряпти, — дейди Т.Тўйчиев. — Қолаверса, тумандаги тадбиркор ва фермерлар бизга хомийлик қилишяпти. Мактаблар, боғчалар ва бошқа таълим муассасалари ҳам баҳоли қудрат кўмак беришади.

Ўтган йили юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан республика «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши «Энг фаол нуроний» жамоатчилик маркази кўрик-танловини ўтказди. Танловнинг туман ва вилоят босқичларида муваффақиятли қатнашиб, голибликни эгаллаган «Нуроний устоз» жамоатчилик маркази танловнинг мамлакат босқичида Андижон вилояти шарафини муносиб ҳимоя

## E'tibor



Og'ir atletika


# КЕРАКЛИ ТОШНИНГ ОФИРЛИГИ ЙЎҚ

Юртимиз бош кентда поёнига етиб бораётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари 14–26 август кунлари Сингапурда ўтказилган ёшлар ўртасидаги 1-Олимпия ўйинларига 2та йўлланмани қўлга киритгани навбатдаги хушхабар бўлди.

Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) кўмагида Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган саралаш баҳсида 24 давлатнинг 200 нафардан ортиқ спортчилари голиблик учун курашга киришгани кўпчиликка маълум. Ортада қолган вақтда 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар олимпия йўлланмаси учун баҳслашган бўлишса, кечадан бошлаб чемпионатнинг иккинчи қисми старт олди. Унда 20 ёшгача бўлган оғир атлетикачилар куч ва маҳоратларини синовдан ўтказди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси вакили Муҳаммад Юсупов вази 94 кг.гача бўлган қатнаш-

чилар муҳорабасида даст кўтариш, силтаб кўтариш ва иккикураш бўйича 3та олтин медаль соҳиби бўлди. Зиёвуддин Қутбиддинов даст кўтариш бобида кумуш, силтаб кўтариш ва иккикурашда биттадан бронза медалга эришди. Ёш спортчилардан Мадийр Ибрагимов даст кўтариш машқларида бронза медал билан кифояланди. Шу тариқа, 3та олтин, 1та кумуш ва 3та бронза медал тўплаган юртимиз



ўсмирлар терма жамоаси олимпия ўйинларига борадиган бўлди.

Қизлар иштирокидаги баҳсларда Марина Сисоева даст кўтариш, силтаб кўтариш, иккикураш бел-

лашувларида ҳаммаси бўлиб 3та бронза медални қўлга киритди ва жамоамизнинг Сингапурга боришини таъминлади. Мусобақалар эртага ўз ниҳоясига етади.

**МУХБИРИМИЗ**

# ГЎЗАЛЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИК АЙЁМИ

Пойтахтимиздаги мухташам «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ушу бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 300дан ортиқ истеъодли спортчи ушунинг таолу(қўл жанги) ва саншаво (эркин кураш) йўналишлари бўйича беллашиб, қизиқарли чиқишларни ҳам намойиш этди. Мусобақа Ўзбекистон ушу федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда қатор ҳомий ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Тадбир ушунинг тимсоли — аждар рақси, турли ёшдаги иштирокчиларнинг бадий кўргазмалари ва спорт ушуси бўйича чиқишлари билан бошланди. Сўнг биринчи татамида қўл жанги, яъни муштлашув бўйича турли вазн тоифасидаги ёшлар ўртасида беллашувлар ўтказилди. Иккинчи татамида ҳар хил ёшдаги ўғил ва қизлар ўз эркин чиқишларини намойиш этишди. Улар тажрибали спорт усталари ва мураббийлар томонидан баҳолаб борилди.

## Sharq yakkakurashlari

— Ушу Ватанимизда қисқа фурсат ичида омаллашиб кетган жанг санъатларидан бири, — дейди ушу бўйича терма жамоамиз мураббийи Тоҳир Эргашев. — Қитъа ва жаҳон ареналарида кўнгилдагидаги иштирок этаётган спортчиларимиз бир неча йиллардан бери катта-катта мусобақалардан медаллар билан қайтишмоқда. Ушуга қизиқувчи ёшлар тобора

кўпайиб бораётгани боис ушбу спорт турининг янада ривожланишига астойдил ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, ўтган йилдаги натижаларга назар ташласак, терма жамоамиз Ереванда бўлиб ўтган халқаро турнирда бешта олтин, Осиё чемпионатида бешта бронза медалини қўлга ки-

каби истеъодли иштирокчилар голиб деб топилди. Улар медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Чемпионатда эндигина 13 ёшни қаршилаган Дмитрий Ли иштироки ҳам алоҳида эътироф этилди. Таъқвандо, ушу спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб, муваффақиятларни қўлга киритиб келаётган умидли спортчи бу гал ҳам 2та олтин медални қўлга киритиб, яна бир карра мамлакат чемпиони бўлди.

Ўзбекистон ушу федерацияси маълум қилишича, голиблар жорий йилнинг октябрь ойида Хитойнинг Янжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати, декабрь ойида Сингапурда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ҳамда Осиё ўйинларига йўлланмани қўлга киритишди.

**Гулюз СИДДИҚОВА**

# “ШЎРТАН”НИНГ МАҚСАДИ ЖИДДИЙГА ЎХШАЙДИ!

## Futbol


Футбол бўйича Олий лига баҳслари аста-секин ўзининг қизгин палласига кириб бораёттир. Ортада қолган 4-тур учрашувлари натижасига кўра, республикамизнинг амалдаги чемпиони “Бунёдкор” клуби 10 очко билан карвонбошилиқ қиляпти.

Асосий янгилик бу эмас, албатта. Мухлисларнинг эътиборини тортаётган ва қизиқишларига сабаб бўлаётган жамоалар кўпчилик-

ни ташкил этаётгани қувонарли ҳолдир. Айниқса, Фўзборнинг “Шўртан” клуби бу йилги мавсумга жиддий тайёргарлик кўрганини намойиш этмоқда. Фўзорликлар ўз уйида кечган матчида Самарқанднинг “Динамо” жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Ўтган мавсумда биринчи лигага тушиб кетиш хавфи остида қолган

Наманганнинг “Навбахор”и сафарда “Металлург” устидан 0:2 ҳисобида зафар кучди. Турнинг қизиқарли учрашувларидан бири “Нефтчи” ва “Муборак” баҳсида мезбонлар рақиб дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллади — 3:0. 4-турнинг марказий ўйини дея баҳоланган “пойтахт дербиси”да “Локомотив” ўз майдонида “Бунёдкор”га йирик ҳисобда (0:4) мағлуб бўлди. Қолган матчларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: “Пахтакор”—“Андижон” 0:0, “Хоразм”—“Олмалиқ” 1:1, “Насаф”—“Қизилқум” 1:0.

Айни кезде Қаршининг “Насаф” клуби иккинчи ва “Навбахор” учинчи поғонага жойлашган ҳолда чемпионат жадвалида кучли учликни ҳосил қиляпти.



## ЗАФАРЛИ ҚАЙТИШ

Машҳур америкалик боксчи Эвандер Холифилд бир йиллик танаффусдан сўнг яна катта рингга қайтди ва мухлисларини хушнуд этди, дея хабар тарқатди “Новости”.

У дам олиш кунини АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ташкиллаштирилган кечада Жанубий Африка Республикаси вакили бўлмиш Франсуа Ботуни енгди. Шиддат билан бошланган баҳс раундма-раунд ўзининг тезкорлигини тушириб борди ва ниҳоят, 8-раундда Эвандер рақибини техник нокаутга учратиб, жорий йилдаги дастлабки муваффақиятини нишонлади. Суперогир вазнда тўрт карра жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган боксчи ўйинни 6 ёки 7-раунддаёқ якунлаши ҳам мумкин эди. Бу 47 ёшли Холифилднинг жангга қанчалик пухта тайёргарлик кўрганини билдиради.

Эсингизда бўлса, Эвандер охириги марта 2008 йилнинг декабрь ойида рус чарм қўлқоп соҳиби Николай Валуевга қарши рингга қўтарилиб, мағлубиятга учрагани.



## РОССИ — БИРИНЧИ БОСҚИЧ ГОЛИБИ

Айни дамда кўплаб спорт турлари қатори мотопойгалар ҳам авж палласига кириб бормоқда. Буни биргина Катарнинг Лосэйл трекида ўтказилган Гран-при турнири мисолида ҳам изохлаш мумкин.



Мазкур биринчилик

“MotoGP”нинг бу йилги мавсумидаги илк кимўзди баҳслари ҳисобланади. Унинг энг юқори даражали йўналишида италиялик машҳур пойгачи Валентино Росси чемпион бўлди. “Fiat Yamaha” компанияси шарафини ҳимоя қилган спортчидан кейин марра чизигини унинг жамоадоши

Хорхе Лоренсо кесиб ўтгани ҳам диққатга сазовордир. Учинчи ўринда “Repsol Honda” вакили Андреа Довизиозо маррани кесиб ўтди.

Табиийки, мотоцикллар пойгаси бошқа транспорт тури иштирокидаги биринчиликларга нисбатан анча хавфли саналади. Шундай экан, “MotoGP”нинг галдаги босқичлари ҳам ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлишини тахмин қилиш мумкин.

## КАСАБЛАНКА “ҚИРОЛИ”

Швейцариялик теннисчи Станислас Вавринка Марокашнинг Касабланка шаҳрида якунланган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, мазкур чемпионат ютуқ фонди 450 минг еврони ташкил этган.

Турнирнинг финалигача етиб келган 25 ёшли Вавринка руминиялик рақиб Виктор Ханескуни икки сет натижасига кўра мағлуб этди — 6:2, 6:3. Учрашув 1 соату 17 дақиқага чўзилди. Чемпион учта эйсга эришди ва тўрт бора брейк ҳолати қайд этилди. Вавринка ҳаммаси бўлиб 60 очко тўплаган бўлса, Ханеску 46 очко жамғарди. Айтиш лозимки, бу галаба швейцариялик теннисчининг фаолияти давомидаги иккинчи ютуғидир.

Дастлаб у 2006 йили Хорватиянинг Умаг шаҳрида кечган турнирда зафар кучганди. Шу вақтга қадар жами олти марта финалгача етиб борган Вавринка дунёнинг 23-рақамли ракеткачиси (у 72,15 минг евро ва 250 рейтинг очкосини ишлаб олди).

## КАНАДАНИНГ 32-ФАЛАБАСИ

Бизга, айниқса, Канаданин Ванкувер шаҳрида ўтказилган қишки Олимпиада орқали яхши таниш бўлиб қолган спорт турларидан бири — кёрлинг бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Канада терма жамоаси олтин медал соҳиби бўлди.

Италиянинг Кортина Д’Ампеццо шаҳрида ўтган эркаклар ўртасидаги биринчиликда сайёрамизнинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюрган спортчилар голиблик учун курашди, бироқ маҳорат ва тажриба бобида рақибларидан баландроқ бўлган Шимоллий америкаликлар вазиятни ўз томонига оғдира олишди. Ҳал қилувчи баҳсни

Норвегия терма жамоасига қарши ўтказган канадаликлар 9:3 ҳисобида муҳим галабага эришди. Қизиги, мазкур ютуқ Канада термаси учун жаҳон чемпионатларида эришган 32-олтин медал экан. Бронза медал учун ташкил қилинган матчида Шотландия кёрлингчилари АҚШ спортчиларини 6:4 ҳисобида доғда қолдирди.





## БОЛАЛАР СПОРТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Оролбўйида сўнгги етти йилда  
92та болалар спорти иншооти  
фойдаланишга топширилди**

Қорақалпоғистон Республикасида ушбу йўналишда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида энг чекка овулларда ҳам ёшларнинг жисмонан чиниқиши, спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мазкур спорт мажмуалари 837 миллион 400 минг сўмлик спорт анжомлари билан таъминлангани ёш спортчиларнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги спорт анжуманларида фаол иштирок этишида, юк-

сак натижаларни қўлга киритишида муҳим омил бўлаётир.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 260 мингга яқин ўғил-қиз спортга жалб этилган бўлиб, уларнинг 129 мингдан зиёди спорт билан мунтазам шуғулланиб келади. Ўтган йили Қорақалпоғистонда битта замонавий спорт мажмуаси, 14та спорт зали бунёд этилди, битта ёпиқ сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан йил давомида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун 150 миллион 944 минг сўмлик спорт кийимлари ва анжомлари олиб берилди.

Нукус яқинида жойлашган Қизкетган қўрғонидаги болалар спорт мажмуаси айни пайтда 700 нафардан ортиқ спортга иштиёқманд йигит-қизларни ўз бағрига олган. Бу ерда 20 нафардан ортиқ малакали мураббий ёшларга сабоқ бераётир.

Шаҳардаги 1-республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортнинг саккиз тури бўйича 380 нафар йигит-қиз шуғулланади. Улар орасида халқаро спорт мусобақалари голиблик шоҳсупасидан ўрин олган 20 нафардан зиёд кучли спортчилар бор. Ёшлар билан 19 нафар тажрибали мураббий машғулот олиб боради.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**  
ЎЗА мухбири

**А.КАННАЗАРОВ** олган суратлар.



### Ma'rifat

#### ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта maxsus та'лим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим ва fan xodimlari  
kasaba uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

**Бosh муharrir вазифасини  
вақтинча бажарувчи:**  
**Баходир JOVLIYEV**

Тaхрир ҳай'ати: **Жуманазар БЕК-  
НАЗАРОВ**, **Вахтийор DONIYOROV**,  
**Хуршид DO'STMUHAMMEDOV**, **Акмал  
ISLOMOV** (мас'ул котиб), **Маҳмуда  
MURZAYEVA**, **Елшод NABIYEV**, **Ҳусан  
NISHONOV** (bosh муharrir о'ринбосари),  
**Абдусамат RAHIMOV**, **Нурлан  
USMONOV** (bosh муharrir о'ринбосари,  
"Учитель Узбекистана"), **Алексеу  
CHUKARIN** (мас'ул котиб, "Учитель  
Узбекистана"), **Са'дulla HAKIMOV**

**Газета**  
**Ўзбекистон Matbuot**  
**va axborot agentligida**  
**№ 0067 рақам билан**  
**ро'yxatga оlingan.**

**ИНДЕКС:** 149, 150. G-322.  
Тиражи 40954.  
Ҳажми 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
**Наргиза IBROHIMOVA.**  
Navbatchi:  
**Дилшод KARIMOV.**

"Ma'rifat"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan  
materiallar muallifga qaytarilmaydi.  
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

**MANZILIMIZ:** 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

**E-mail:** info@marifat.uz  
**Web-site:** www.marifat.uz

**TELEFONLAR:** mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta  
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,  
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi  
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti  
yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan  
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,  
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,  
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

**Bahosi sotuvda  
erkin narxda**

**Dizaynerlar**  
**Liliya BINASHEVA,**  
**Malohat TOSHOVA.**

"Sharq" nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

**Korxonada manzili:** «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 22.00  
ЎЗА якуни — 21.00